



# HURRIYAT

O'zingni angla!

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 20-iyul, chorshanba • № 30 (730) • 1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

### ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўзининг БМТ Бош котиби сифатида қайта сайланишида мамлакатимизнинг унинг номзодини қўллаб-қувватлагани учун Президентимиз Ислам Каримов номига миннатдорлик мактубини йўллади. Чўқур эҳтиром ва ҳурмат руҳидаги мактубда жумладан шундай дейилади: «Биз, глобал фаровонликка эришишдек умумий хайрли мақсад йўлида бирлашиб, елкама-елка туриб ҳаракат қилсак, эзгу мақсадларни амалга ошириш мумкин эканлигини исботлай олдик. Келгусида инсониятга катта хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарамай, биз биргаликда амалга оширган барча ишларимиз менга мамнуният бағишлайди».


15 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Юртбошимизнинг Фармойиши асосида «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони ва «Спарк» русумли автомашиналар билан тақдирланган ўсмирлар терма жамоамизнинг мураббийлари, ёш футболчилар ва уларнинг ота-оналари оммавий ахборот воситалари орқали мухтарам Президентимизга бу кўрсатилган эҳтиром ва беқиёс ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор қилишиди.

### БУХОРО:

## улкан имкониятлар маскани




Бухородек табарруқ заминда яшаи ҳар бир фуқаро учун ҳам фахр, ҳам улкан масъулиятдир. Нега деганда, Бухоронинг шонли тарихи ҳар бир фуқарони, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодимизни бой маданий меросимизни ардоқлашга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, бу тенгсиз бойлик билан ҳамшиша ифтихор қилишга ўргатади.

Ислам КАРИМОВ



3 »

### ОЛТИН КИММАТЛАШМОҚДА



Сармоядорлар бу ҳолни Европа давлатларидаги иқтисодий таназзул, унинг борган сари кенг «қулоч ёётгани» билан боғлашмоқда. Шу билан бирга, АҚШда қузатилаётган техник дефолт ҳам олтиннинг қимматлашишига ўз таъсирини ўтказмай қолмапти.

5-бет

### СУВНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР



Бугун фан-техника шунчалар ривожланган, одамларнинг ҳаёлига ҳам келмаган нарсалар кашф этилаётган бир пайтда ҳеч бир олим чўчук сув ярата олмапти. H<sub>2</sub>O формуласининг кашф этилгани ичимлик суви яратилди, дегани эмас. Бу ишни келажақда ҳам уддалай олишмаслигини инобатга олсан, аждоғларимизнинг бу улғур неъматга булган кечис ҳурматининг боисини англаб етиш мумкин.

6-бет

### БЕПАРВОЛИК ПУШАЙМОНЛИККА ОЛИБ КЕЛМАСИН




Бугун минглаб ёшларимиз катта ҳаёт оstonасида туришибди. Бу йўлда қоқилмай, ўз мақсадларига эришиш, келажақда қайси касбнинг етуқ мутахассиси бўлиш учун улар касбни тўғри танлай олишлари лозим. Улар-ку қарорни аллақачон қабул қилиб бўлишгандир. Бунга уларнинг она аъзолари қарши бўлишса-чи? У ҳолда ота-оналарга маслаҳатимиз бор.

7-бет

«Ёз - 2011»

## ТАБИАТ ҚЎЙНИДА МАЗМУНЛИ КУНЛАР

«Марказгазтабминот» унитар корхонаси Жиззах вилоят мувофиқлаштириш бошқармасига қарашли «Зангори олов» оромгоҳида юздан зиёд ўғил-қиз таътил кунларини мароқли ўтказмоқда.



Фориш туманида жойлашган оромгоҳда болалар учун барча шароит яратилган. Бу ерда ташкил этилган футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, сузиш каби тўғрақларда болалар ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга. Табиат қўйнига мунтазам уюштирилаётган саёҳат уларда катта таассуротлар қолдирмоқда. Дам олувчиларнинг саломатлиги доимий назоратда.

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Концепция: гоя, мақсад ва вазифалар

## ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШ

оммавий ахборот воситалари тизимини ҳам жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишни тақозо этмоқда

Жадал суръатлар билан илгариланган тараққиёт жараёнида ҳар бир мамлакат, табиийки, дунё ҳамжамиятидаги ўз ўрнини мустақамлашга ҳаракат қилади. Бундай шароитда мустақилликка эришиб, ривожланиш йўлини аниқ белгилаб олган ёш давлатлар миллий тараққиётнинг ҳар бир босқичида босиб ўтилган даврни, амалга оширилган ислохотларнинг натижаларини ҳолис ва танқидий баҳолаши, яқин келажақ учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, ижтимоий-иқтисодий асослари пухта ишлаб чиқилган, халқ хоҳиш-продасига мос тараққиёт дастурини ҳамда уни амалга оширишнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиши керак бўлади.

Шу маънода мухтарам Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаси, хусусан, унда белгилаб берилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг олтинта устувор йўналиши беқиёс аҳамият касб этади.

Кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган маъмур концепцияда илгари сурилган гоя ва ташаббуслар, одамларни янги марралар сари ундаётгани, эртанги кунга ишончимизни мустақамлаётгани ва дунё мамлакатлари эътиборини тортгани, хориқлик сиёсатшунослар, иқтисодчи, ҳуқуқшунослар унга юксак баҳо бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, француз геосиёсатчиси, профессор Жак Барнинг фикрига кўра, «Президент Ислам Каримов ўз нутқида жорий вазият ҳамда мамлакатда эришилган ютуқлар билан таништирди. Хусусан, у XXI асрда адолатли ва демократик жамиятни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини давом эттириш ва тезлаштириш заруратини таъкидлаб ўтди».

Ёки бўлмаса, Италиянинг «La Nostra Gazzeta» хафтаномасида Президентимизнинг айни шу — 2010 йил 12 ноябрдаги маърузасига бағишланган «Ўзбекистон Президентини демократик ислохотларни чуқурлаштиришда» сарлавхали мақола эълон қилинган концепцияга хориқ оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам юксак баҳо берилганидан далolat. Хусусан, унда Ўзбекистон Президентини давлат ҳокимиятининг барча тармақларини, айниқса, мамлакат парламенти янада ривожлантириш ва мустақамлашга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сургани қайд этилади.

Газета таҳририяти Ўзбекистон Президентининг ислохотлар муваффақияти, кўп жиҳатдан, амалга оширилаётган демократия ва либераллаштириш жараёнларининг суръатига, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигига, шунингдек, турли партияларнинг мамлакат тақдирини келажақига нисбатан масъулиятини ўз зиммаларига олишларига нечоғли тайёр эканлига боғлиқлиги хусусидаги сўзларини тўла қўллаб-қувватлаган. Ўз навбатида, концепциядаги оммавий ахборот воситалари таъсир кучини ошириш йўлидаги ислохотлар хусусида ҳам алоҳида урғу бериб ўтилган.

4 »

Инқироз ва модернизация

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат ривожланган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тизимига, балки дунёдаги ривожланган барча мамлакатларнинг демократик ва фуқаролик турмуш тарзига у ёки бу кўринишда ўз таъсирини ўтказди. Бу ҳолат айрим мамлакатларда ҳамон давом этмоқда. Дунёдаги етакчи йиғирмта давлатнинг деярли барчасида молиявий инқироз чуқур илдириб бораётгани бошқа жойларда ҳам молиявий танглик ҳолатини келтириб чиқармоқда. Шу ўринда Марказий Осиё давлатлари ҳам бундай молиявий инқироз таъсиридан истисно эмаслигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ана шундай оғир дамларда Ўзбекистон ўз турмуш тарзи, жугрофий жойлашуви, ижтимоий-сиёсий ҳамада иқтисодий ислохотлари билан Марказий Осиё мамлакатлари, қолаверса, бутун МДҲ давлатларининг ҳар томонлама барқарор ривожланишига, айни пайтда, уларда жамиятнинг модернизациялашуви масаласига бевосита ва билвосита ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Таниқли япон иқтисодчиси Сабуро Окито Япония ва қўшни давлатлар таърибига асосланиб, кўйидаги хулосаларни исботлайди: "Биринчидан, эркин тадбиркорлик механизми аниқланганда, таъриб ва тегишли ижтимоий маданиятга таянмайидан мамлакатларда давлатнинг бозор ислохотларига жиддий аралашуви жуда зарур. Иккинчидан, ислохотларнинг кучли давлат бошқаруви таянган ҳолда секин ўтишини назарда тутуви ўзгартиришлар стратегиясини асло инкор этиб бўлмайди". Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган модернизация

жараёни мақбул йўл ва халқ хоҳишироғидасига мослиги билан эътибор топмоқда. Демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос йўли — "Ўзбек модели"дан бугунги кунда кўлаб чет эллик таниқли олимлар ўзларининг илимий изланишларида кенг фойдаланмоқдалар. Хусусан, россиялик М.Гафари, А.Касаев, германиялик Л.Левитин каби кўлаб сиёсатшунос олимлар ва давлат арбоблари миллий ривожланиш модели ҳақида фикр юритишганда Президентимиз Ислам Каримовнинг кучли давлатчилик сиёсати доирасида белгилаб берган бешта асосий тамойилга асосланишлар. Бинобарин, миллий кадрлар устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий эркинлик муҳитини яратиш, ижтимоий-сиёсий воқеликни англашда бу тамойилларнинг ўрни бўлақча. Истиқлолнинг дастлабки йилларида, шубҳасиз, иқтисодий тангликлар юзга келди. Бунинг оқибатида аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Озиқ-

овқат муаммосига йўл қўймаслик учун иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар, компенсация тарзидаги бевосита пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар тизимини юзга келтириш, бойитиш, унинг узок муддат давомидида сақлаб турилишига эҳтиёж туғилди. Шу сабабли ҳам биргина 1993 йилнинг биринчи чорагида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 35 миллиард сўм сарфланди. Аниқроғи, аҳолига зарур озиқ-овқат ва бошқа моллар нархларидаги фарқни қоплашга 23 миллиард сўмдан ортиқ, мактаб ўқувчиларига бепул нонушта бериш ва уларни имтиёзли оқватлантиришни ташкил қилишга 2 миллиард сўмдан ортиқ, талабаларнинг имтиёзли оқватлантиришлари 440 миллион сўм маблағ сарф қилинди. Коммунал хизматлар бўйича тўловларнинг ва шаҳар транспортда юриш ҳақининг қопланмаган қисми ҳам бюджет ҳисобидан қопланди. Бу мақсадлар учун 4,5 миллиард сўм ажратилди. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Бу жараён юзасидан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентини фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда серфарзанд оилалар, нафақадорлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилди. 1999 йил аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига 282 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу 1998 йилдаги айнан шу мақсадларга ажратилган маблағлар микдоридан 37 фоиз кўп эди. Мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлигини мустақамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодиётимизда мутаносибликни кучайтириш йўлида 2003 йилда ҳам ижо-

бий натижаларга эришилди. Ижтимоий ҳимояга йўналтирилган тадбирлар натижаси ўлароқ, ялли ички маҳсулот (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) 2,6 фоиз, реал даромадлар эса 8 фоизга кўпайди. 2007 йил Ўзбекистонда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилган молиявий маблағлар микдори олдинги йилларга солиштирганда анчагина оширилгани билан характерлидир. 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ижтимоий ҳимоя сиёсати сифатида ўзбек моделининг давомийлигини ҳамда жамиятни модернизациялашда принципиал характер касб этишини яна бир бор исботлади. Ушбу йилда тегишли давлат дастури қабул қилиниб, унда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағлари йўналтирилди. Таъкидлаш мумкинки, жамиятни модернизациялашнинг ўзбек модели Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги бошқа аъзоларининг миллий моделларида кучли ижтимоий ҳимоя компоненти билан ажралиб туради. Мамлакатимизнинг миллий модели жуда аниқ тизимлаштирилган бўлиб, унинг функционал жиҳатлари давлат ҳамда фуқаролик жамияти тузилмаларининг ўзаро таъсирлашувида ифодаланади. Институционал жиҳатлари эса халқнинг вакиллик органлари ва ижроия ҳокимияти муассасаларининг горизонтал жамият устидан давлат назорати ўрнатилма-



ган) тартибдаги институционал-тузилмавий курилишдан иборат. Модернизациялашнинг ҳар бир аниқ кўриниши сингари бу жараён Ўзбекистонда ўзига хосликнинг бир қатор махсус жиҳатларига эга. Улар орасида, энг аввало, жамият ҳаётини либераллаштиришнинг босқичма-босқич амалга оширилишини алоҳида кўрсатиш лозим. Бу жамиятимизни модернизациялашнинг кооператив хусусиятга эга эканини тасдиқлашга асос бўла олади. Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг модернизациялаш миллий концепциясининг алоҳида ажралиб турадиган жиҳати бошқа давлатлар ва тараққий этган минтақаларга солиштирганда йўналишни аниқлаш, модернизациялаш жараёнини унинг барча даражаларида амалга оширишда давлатнинг ташаббускорлик ролининг фавқулодда муҳим эканидадир. Аслини олганда, «модернизациялаш» дегани шаксиз «фарбланиш» дегани эмас. Фарбланиш жамия-

ятлар ўз маданиятларидан воз кечмаган ҳолда фарб кадрляри ва таърибларининг ҳаммасини бори-ча қабул қилмай, модернизацияни амалга оширдилар. Хитой, Япониянинг амалий таърибаси бунга мисол бўла олади. Бу жараёнда фарбий бўлмаган жамиятлар модернизациялаш қаршисига қанча тўсиқлар қўйилган бўлмасин, улар фарбланишга интилишлар олдиди ҳеч нарса эмас. Бродель ибораси билан айтганда, «модернизация» ёки «цивилизация»нинг галабаси жаҳон цивилизациялариди асрлар давомида ўз аксини топган тарихий маданиятларнинг турли-туманлигига чек қўяди, деб ўйлаш бошларча соддадиллик» бўлур эди. Аксинча, модернизация ушбу маданиятларни кучайтиради ҳамда Фарбнинг таъсирини пасайтиради. Дунё фундаментал даражада кўпроқ замонавийлашади ва камроқ фарбланишади. Бахтиёр ОМОНОВ, сиёсий фанлар номзоди

Мамлакатимиз ёшлари шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш ишларида иштирок этиш орқали Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик муборак тўйини кўтаринки рўйда нишонлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.



Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг фаол ёшлари (чапдан) Баҳодир Зиёвутдинов ва Сардор Мирзақаримов. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

Бунёдкор талабалар шижоати

В унда Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда аниқланган тарзда ташкил этилаётган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, жорий йил "Бунёдкор" ўз сафига 35 мингдан ортиқ талаба-ёшларни бирлаштириш режалаштирилган. Ҳозирга қадар ушбу жамоаларга 13,2 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилган. Жумладан, Андижон вилоятидаги олий ўқув юрларида тахсил олаётган 470 нафардан зиёд талаба ва маҳалла ёшлари Андижон шаҳрини ободонлаштириш, "Узумбозор" курилиши ҳамда коммунал хўжалик ишларида фаол иштирок этмоқда. Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институти талабаларидан тузилган бунёдкорлар ўқув биноларини, талабалар турар жойларини, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда кўчаларни ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда. Шунингдек, вилоятдаги фермер хўжалиқларида пахта, сабзавот ва полиз экинларини парваришда ҳам яқиндан кўмак бераётди. — Вилоятимизда талабаларнинг таътил вақтини маъмули ўтказиш ва уларни фойдали ишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарь вилояти кенгаши раиси Исомиддин Абдоров. — Жорий йилдаги "Бунёдкор" меҳнат жамоалари нафақат курилиш, ободонлаштириш ишлари, балки педагогика йўналишида ҳам ёшларни маъсулий иш билан таъминламоқда. Хусусан, олий ўқув юрларида тахсил олаётган бўлғуси педагоглар оромгоҳларга етакчи сифатида жалб этилмоқда. Ҳозирга қадар 350 нафарга яқин талаба-ёшлар вилоятдаги оромгоҳларда етакчи сифатида ишлади. Бунёдкор талабалар, шунингдек, қишлоқ ва шаҳарларимизда барпо этилаётган мактаб, коллеж, уй-жойлар курилишида ишчилар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Бу ишлар талабаларимизга қўшимча даромад олиш, амалий таъриб алаҳшида кулай имкон яратмоқда. "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати ишти-

рокчилари ишдан бўш вақтида кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча қўлайликлар яратилган. Мазкур жамоаларда юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб "Буёқ ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, "Миллий аниҳана ва урф-одатлар", "Замонасини қаҳрамонлари", "Огоҳлик — давр талаби", "Дин ва ёшлар", "Юксак маънавият — энгилмас куч", "Ғоявий таҳдид нима?", "Бунёдкорлар — ёш мусафирлар нигоҳида" сингари мавзуларда иқодий учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Бу йилги мавсумда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида ташкил этилган "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракатида 5150 нафар талаба ва маҳалла ёшларини маъсулий иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг бунёдкор талабаларидан иборат жамоаси улардан бири. — Етти юз эллик нафарга яқин талабамиз бундай тадбирларда фаол иштирок этмоқда, — дейди мазкур институт "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Нодир Йўлдошев. — Улар институтимизнинг ўқув ва лаборатория биноларини, талабалар ошхонасини таъмирлаш ишларида кураб-чиқар сафидида иш олиб борапти. Жамоанинг унумли меҳнат қилиши, бўш вақтини маъмули ўтказиши, ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган "Энг яхши меҳнат жамоаси", "Меҳнат жамоасининг энг фаол аъзоси" каби танловлар ёшларнинг ғайрат-шижоати, қизқиш ва интилишларини янада оширмоқда. — "Бунёдкор" меҳнат ҳаракатида икки йилдан буён иштирок этман, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг унвончи босқич талабаси Бекзод Султонов. — Институтимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Бу ҳаракат биз, ёшларни бирдамликка, ҳамжиҳатликка ундаши билан бирга, касб-хунар сирларини пухта эгаллашимизга ҳам хизмат қилади. Ғузэл САТТОРОВА, ЎЗА муҳбири

Қишлоқ хўжалигида шартномавий мажбуриятлар

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солиб келинмоқда. Булар сирасига Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасининг бир неча фармон, қарорларини киритиш мумкин. Хусусан, Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги фармонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг шартномавий муносабатларидаги мавқеи устуворлик касб этиб, уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш асосий вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бирга, мазкур фармонга мувофиқ республика Адлия вазирлигига шартномалар тузиш ва бажаришда белгиланган талабаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг ривоя этишлари устидан мунтазам назорат ўрнатиш вазифаси юклатилди.

А малдаги қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни тақомиллаштириш, шартнома интизомини суд тартибиди мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда Ҳоразм вилоят адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан 2011 йилнинг ўтган даври мубойида бирмунча ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоятда 2011 йил ҳоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, шу жумладан, фермер хўжалиқлари билан тайёрлов, моддий ресурслар етказиб бериш ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартномалар тузиш ишларини муддатиди яқунлаш мақсадида адлия бошқармаси ходимлари ҳар бир туманга масъул этиб бриктирилди. Мазкур шартномаларни қайтадан кўриб

қиқиш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида эса 1 миңдан ортиқ шартномалар қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда тузилгани аниқланди. Масалан, шартномаларда тарафларнинг рекузитларини кўрсатмаслик, ҳуқуқшунос хулосасини олмаслик, шартномаларни рўйхатдан ўтказмаслик, шартномани тарафларнинг мухрлари билан тасдиқлашмаслик ҳолатлари аниқланиб, барча камчиликлар жойида бартараф этилди. Умуман жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган 8901 та хато ва камчиликни бартараф қилиш юзасидан 36 та тақдимнома, 35 та огоҳнома, 50 та ёзма кўрсатма киритилиб, 34 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, 379 миллион 792 миң сўмлик 405 та даъво аризаси судларга киритилди. Мазкур даъво аризаларидан 405 таси (352 миллион 380 миң сўмлик) қаноатлантирилиб, суд қарорларига асосан 248

Адлия почтасидан

миллион 576 миң сўм асосий қарз, 103 миллион 804 миң сўмлик "неустойка" суммасини ундириш белгиланди. Шу ўринда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузиладиган шартномаларнинг айрим ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Бундай шартномалар фақат ёзма равишда тузилиб, шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги белгиланади. Мисол учун, мажбуриятлар бажарилмаганда етказиб берилмаган моддий-техник ресурслари ёки кўрсатилиши керак бўлган хизматлар қийматининг 25 фоиз микдориди жарима тўланади. Шунингдек, топширилган маҳсулот учун тайёрловчи ҳақ тўлашдан асоссида бош тортидан тўланмаган сумманинг 15 фоизи микдориди, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун эса тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи микдориди (ушбу сумманинг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган микдориди) пеня тўланади. Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида қишлоқ хўжалиги тизимиди шартномавий мажбуриятлар ижросини таъминлашда томонларнинг ҳар бири шартнома шартларига қатъий амал қилиши, мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида юзга келиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ёки қамайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни қириш, бу тўғрисида иккинчи томонни ўз вақтида хабардор қилиши мақсадга мувофиқдир. Фарход ЭШНАЗАРОВ, Ҳоразм вилоят адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи

ТАДБИР

Долзарб масалага бағишланди

Жанубий халқроқ ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонасида "Диний экстремизм ва терроризм — жамият барқарорлигига таҳдид. Гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда корхона муҳандис ходимлари, йўл бўлими бошлиқлари, ёрдамчиси санноат ишлаб чиқариш цехлари бошлиқлари, "Қашқадарёавтоўл" худудий йўллардан фойдаланиш таъмирлаш корхонаси ходимлари ҳамда туман йўл хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Республика Миллий телерадиоканали хамкорлигида тайёрланган "Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш", "Гиёҳвандлик — аср вабоси",

"ОИТС касалига қарши кураш" мавзурларидаги видеофильмлар намойиш этилди. Вилоят наркологиа диспансери шифокори З.Менглиев, вилоят кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонаси директори К.Маҳкамов, "Қашқадарёавтоўл" ҲИФТК кадрлар инспектори Б.Жўраев, вилоят ИИБ ходими С.Азимовларлар ўз чиқишларида бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш жамоатчиликнинг диққат эътиборида турган вазифа эканлиги ҳақида гапирдилар. Йиғилганлар гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари, республикамизда ОИТСга қарши олиб борилаётган профилактик ишлар, касалликларнинг асоратлари ва олдини олиш йўллари тўғрисида маълумотларга эга бўлди. Шомурод ШАРОПОВ

Огоҳлик

Саратонда тангадай соядан ҳам паноҳ излайди одам. Кўпала ҳамшаҳарларимиз оилавий ҳордиқ истаб тоғ ёнбағирларини, сўлим ирмоқлар бўйини ихтиёр этишади. Таърибада айнан шундай жазирама паллада ёнган келиб чиқиши кўп кузатилган. Қовжирган ўт-ўланлар, ҳов-ҳашак тез ёнишга мойил бўлади.

«Тилсиз ёв»дан эҳтиёт бўлинг!

Маҳалладошларимизнинг очик майдон-ку, деб шох-шабаба, куруқ ўтларни ёқишлари ёнган содир бўлишга олиб келади. Биргина гултурт донасини нақш натижасида катта-катта худудлар бир зумда «тилсиз ёв» исканжасида қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам хамиша, ҳамма жойда ёнган хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, болаларни бир зум бўлса, назоратсиз қолдирмаслик зарур. Барча ота-оналар нафақат уларни назорат қилишлари, балки болаларга ёнган ва унинг аниқли оқибатлари ҳақида таъсирли қилиб тушунтирсалар, бу «тилсиз ёв» хавфидан бироз йироқлашиш, пировардида, кўпала турар жойлар, мол-мулк, инсонлар ҳаёти сақлаб қолинади. Аббосхон МАВЛОНОВ, ЁХБ 20-ХЕҲ инспектори

БУХОРО:

улкан имкониятлар маскани

(Бошланғич 1-бетда)

Бухоро — кўҳна ва муқаддас замин. Дунё сайёҳларини ҳайратлантириб келаётган Бухоронинг уни шариф қилган етти пирию ўнлаб улуг мутафаккирлари бор. Неча асрлардирки, уларнинг ўғити кўмагида ўзлигимизни қайта-қайта кашф қилаёмиз. Ана шундай муқаддас бу юрт бугун замонавий тамаддун ва умрбоқий анъаналар туташган масканга айланган. Шу маънода ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан "Асрлар садоси — 2011" анъанавий фестивалининг айнан мана шу кўҳна заминда ўтказилгани бежиз эмас. Уша кунлари Бухоро ҳақиқий афсона ва эртақлар шаҳрига айланган. Япония, Хитой, Россия, Германия, Франция, Италия, Испания, АҚШ, Бразилия сингари кўплаб давлатлардан келган меҳмонлар Наршахий қаламга олган юртни санъат мўъжизаларига бой шаҳарлар — Венеция ва Санкт-Петербург билан қиёслаб, "Бухорони турли қимматбахо тошлар билан зийнатланган тилла тақинчоққа ўхшатиш мумкин. Кўёш нурида ҳар бир тош ранго-ранг товланади", дея эътироф этилди.

Бир томонда асрларнинг бўруно довулларига эгилмаган, замонларнинг замбарак ўқларидан қуламаган қадди тик минора, бир томонда қанча олим уламоларни етказиб берган илм маскани — Мир Араб мадрасаси. Орқа тарафда эса хашаматли Арқ... Буларнинг барчасида мангулик суратларини кўрасиз.

Дунё нигихидаги бу музей-шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгараётгани муболагасиз ҳақиқат. Кундан-кунга обод масканга айланиб бораётган Бухорода мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилган "Дилқушо" бокс маркази, "Хумо", "Нафис", "Бухоро", "Ёшлик", "Динамо" каби спортнинг 17 тури бўйича учрашувлар, халқаро мусобақалар ўтказилаётган йирик мажмуалар куну тун шаҳарликлар хизматида. Бундай мажмуаларнинг айнан Бухорода фаолият юритиши бежиз эмас, албатта.

Шаҳар яқинида "Маданият" деган жой бор: нақ олти нафар жаҳон чемпиони тарбиялаб берган. Ақобир Курбонов, Шухрат Хўжаев, Аббос Атоев, Комил Шукуров, Ришод Собиров, Рамзиддин Саидов каби алп йигитлар жаҳон ва олимпия мусобақаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб келмоқдалар. "Асрлар садоси" фестивали доирасидаги кураш мусобақаларини ўтказиш учун шаҳардаги Мирзо Улуғбек мадрасаси танланди. Бу ҳам бежиз эмас. Муаррихларнинг ҳикоя қилишларича, ушбу мадраса Темурийлар даврида ҳам кураш мусобақалари уюштирилган маскан бўлган экан.

Сир эмас, мамлакатимиз мустақиллиги ва келажаги

ишонсиз қарашлар ҳам бўлганда истиқлолнинг илк йилларида. Шукурки, бу илдоаларнинг барини давр шамоллари супуриб ташлади. Бугун бизни дунё танибгина қолмай қўл узатиб, ҳамкорликка чорлаётди. Яхшиси гапларимизни мисоллар билан тасдиқласак. XX асрнинг йирик санъат мажмуаси ҳисобланган Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, "Бухоро гипс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси, "ДЭУБухоротекастиль", "ЎзКореямедикал" Ўзбекистон — Корея, "Халимабегим-Омад" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амириклари



ри каби бир қанча қўшма корхоналарни фахр билан тилга олишимиз мумкин.

Бирок собиқ тоталитар тузум даврида таҳрирланган минглар тақдирлар ёдга тушганда кўнгли ўқиб-ўқиб кетади. Қанчадан-қанча зиёратгоҳлар, мадрасалар вайрон этилиб, биналарга мўҳрланган тарих топилди. Босқинчилар томонидан миноралар ўққа тутилди. Қутлуг зиёратгоҳлар оёқ ости қилинди. Бу не кўргуликки, уй-жой қуриш учун ажратилаётган 8-10 сотих ер учун ҳам "марказ"дан рухсат олинарди. Бор-йўғи битта автомашина олиш учун райижроком қарори йиллар давомида қутиларди-ю, ўз пулига олган энгил машинани қайси даромад эвазига харид қилганини тушунириш учун тергов оstonасини ҳатлаб ўтишига ҳам тўғри келарди.

Бугун эса барчаси ўзимиз истагандек. Истиқлол бизга кенг имкониятлар эшикларини очиб берди. Чор атроф боғу бўстон, гулу гулзор. Ҳар бир хонадон, маҳаллаю гузар обод, эл озад. Энг муҳими, мустақил диёрда ҳадиксиз яшаш имкони мавжуд. Нафақат Бухоро шаҳри, балки вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида шарқона дизайн асосида барпо этилган бозорлар, хотира ва қадрлаш хиёбонлари намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган кўплаб қулайликларга эга турар жойлар, боғлар, равон йўлларни қўриб ҳақли равишда хурсанд бўласан киши.


— Ўтган йили вилоятимиз бўйича 540 та намунавий уйлар фойдаланишга топширилган эди. Жорий йилда биригина бизнинг туманимизда 108 та замонавий уйлар бағрига ўз эгаларини қабул қилди. Бу

шунча хонадон соҳибу соҳибаларига мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида муносиб тўхфадир, — дейди Ромитан тумани ҳокими Муҳаммадқосим Олимов.

— Ўтган 2010 йилда вилоятда фақатгина ёш оилаларга 60 та ипотека кредитлари асосида уй-жойлар қуриб топширилган бўлса, жорий йилда яна 42 та шундай уйларни топшириш арафасида турибмиз. Қурилиш ва жиҳозлаш маҳсулотлари учун етарлича кредитлар ажратилган, — дейди АТ Ипотека банкининг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи Улуғбек Шукуров.

Вилоятда деҳқончилик қилинаётган ерларнинг йил сайин шўрланиш даражаси юқорилаб бораётгани боис, ички ва хўжалиқларро зовурлар мелiorаторлар томонидан тозаланиб, қайта тикланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ вилоятда пахта, галла, полиз, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳар йили 8-10 центнерга ортмоқда. Фермер хўжалиқлари тасарруфида бўлган 780,1 минг гектар ернинг 198,7 минг гектари пахта ва галла экиладиган майдон, қолгани боғ, полиз, яйлалар ҳисобланади. Мазкур деҳқон ва фермер хўжалиқларида доимий иш билан банд бўлган ишчилар сони 87,8

Дарҳақиқат, қурилиш бора-сида вилоятда дадил қадамлар ташланди. Ўтган асрда қурилган мактаблар ўрнига кўплаб зиё масканлари, юзга яқин касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, 325 та қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялари, ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан тез тиббий ёрдам хизмати учун биналар тикланди. Улар замонавий тиббий техника ҳамда жиҳозлар билан таъминланди.



Бу "Саломатлик-2" дастури асосида амалга оширилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва қайта таъмирлаш мақсадида академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун 7,2 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бу ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган шундай маблағнинг 2,6 фоизини, таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 32,3 фоизини ташкил қилади.

Республика бюджетни ҳисобидан Когон шаҳрида бир сменада 80 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган 40 ўринли тиббиёт бирлашмаси ва каттагина хусусий ши-фохона, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бунёд этилган Бухоро шаҳри ҳамда Вобкент туманидаги мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда вилоят ҳарбий қаҳрув пункти қайта реконструкция қилинди.

Олиқ қишлоқлардаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида 123 километрли сув қувури, 66,2 километр узунликдаги табиий газ тармоқлари ишга туширилди.

Хурлик эпкинидан тўйиб на-фас олган, жамиятга, халққа наф келтиришни ният қилган ишбилармонларнинг сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Жорий — Кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик йилининг ўтган даврида бухородаги кичик бизнес субъектлари томонидан 7,7 миллион АҚШ доллари миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 15,6 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотлар хориж давлатларига экспорт қилинди. Чакана савдо айланмаларининг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50,2 фоизга ўсди. Бугун вилоят бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 12345 тани ташкил этмоқда. Вилоятда ишлаб чиқарилган ялли худудий маҳсулотнинг 45,5 фоизи ушбу соҳа вакиллари хиссасига тўғри келмоқда, 585 минг киши эса доимий иш ўрнига эга. Вилоят иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 9,7 фоизни ташкил этмоқда. Бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган молия муассасаларининг негизидаги 54 та банк филиаллари ва юздан ортққ минч банлар тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари натижасида тизими жадал ривож топиб бормоқда.

Вилоятда деҳқончилик қилинаётган ерларнинг йил сайин шўрланиш даражаси юқорилаб бораётгани боис, ички ва хўжалиқларро зовурлар мелiorаторлар томонидан тозаланиб, қайта тикланмоқда. Бунинг самараси ўлароқ вилоятда пахта, галла, полиз, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳар йили 8-10 центнерга ортмоқда. Фермер хўжалиқлари тасарруфида бўлган 780,1 минг гектар ернинг 198,7 минг гектари пахта ва галла экиладиган майдон, қолгани боғ, полиз, яйлалар ҳисобланади. Мазкур деҳқон ва фермер хўжалиқларида доимий иш билан банд бўлган ишчилар сони 87,8

лиш ҳиссадорлик жамияти, Бухоро ирригация тизими ҳавза бошқармаси ҳамда вилоятдаги насос станциялари бошқармалари томонидан зарур миқдорда сув етказиб берилмоқда.

Вилоят саноат корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар ҳажми 1376,6 миллиард, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 558,1 миллиард, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 174,2 миллиард, но-оziқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш 383,9 миллиард, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш 1456 миллиард, қурилиш ишлари 569,5 миллиард сўмини ташкил этди. Вилоят асосий бюджетини кўпайтиришга 2018,9 миллиард сўмлик инвестициялар киритилди. Ўтган йилда вилоятнинг ташки савдо айланмаси 659,7 миллион АҚШ долларини ташкил этгани унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ортбошимизнинг Бухорога ташрифи жараёнида "Кўҳна ва боқий Бухоро" маданий мажмуасини барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси вилоят аҳлида келажакка катта ишонч ўйотди. 107 гектардан иборат майдонга 700 ўринли вилоят мусикали драма театри, 2000 томоша-бинга мўлжалланган амфитеатр ва "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи қисқа вақт ичида қад ростлади. Шу йил 1 июнь арафасида болаларга тўхфа этилган 25 гектарлик аттракцион — "Болалар боғи" шаҳар кўрғи яна бир тароват қўшди. Вилоятдаги қатор қурилиш ташкилотлари, тадбиркорлар, савдо ва саноат ишлари томонидан барпо этилган боғлар ҳар қандай нозиктаб одамнинг ҳам кўнглини кўтарарди. Бундан ташқари, шаҳардаги муқаддас қадимлар таъмирланган, обод манзилларга айлантирилди. Муаззам шаҳардаги қадимий Арқ қалъаси, Пойи калон, Чорбақр, Лаби ховуз, Улуғбек мадрасаси каби қатор тарихий ёдгорликларнинг таъмирлангани, Шариф шаҳарга ташриф бу-лораётган сайёҳларни лол қилдириши.

Музей-шаҳарнинг эски шаҳар қисмида археологик қазилмалар кенг қўламда олиб борилляпти. Яқин-яқингача Бухоронинг тарихий марказида Магоки Атторий масжиди ва Тоқи телпақфурушон оралиғида чоғроқина боғ бўларди. Шу пайтгача умуман ўрганилмаган мазкур худудни ободонлаштиришнинг олдин археологик тадқиқотлар олиб борилди. Қутилмаганда иккита карвонсаройи харобалари топилди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Магоки Атторий Шариф шаҳарнинг энг биринчи масжиди ҳисобланади. Ер сатҳидан беш метр пастрда қурилган назомоғ ўрнида дастлаб оташлароқларнинг ибодатхонаси, ҳозир археологик тадқиқотлар олиб борил-ётган майдонда эса ўша пайт-



ларда катта бозор мавжуд бўлган экан. Тадқиқот ишлари жараёнида карвонсаройлар қадимий ҳаммом харобалари устига қурилгани маълум бўлди. Қутилмаган бу топилма Бухоронинг тарихий марказидаги ўн тўққизинчи ҳаммомдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, обиданинг пойдевори XI-XII асрларда қўйилган, охириги марта XV асрда таъмирланган.

— Бирор жой ҳақида эшит-



ган ё ўқиган инсонда муайян тасаввур шаклланиб қолади. Бу ерда кўрганларим бутун минтақа ҳақидаги тасаввурларимни буткул ўзгартириб юборди. Эски шаҳарнинг бус-бутун сақлангани мени ҳайратга солди. Узим Куддусда вояга етганман, харобалар орасидаги кўҳна обидалар билан болаликдан ошноман. Бухоро азалдан улуг алломалар маскани бўлиб келган. Олиму фозило шундай бегубор осмон остидан чиқмаса, қаердан чиқсин?! — дейди «DEPESHA» журналі асосчиси ва бош муҳаррири Стефан Рабимов (АҚШ).

Бу сўзлар Ўзбекистоннинг таърифи — Бухорога берилган таърифларнинг мингдан бири, холос.


Дунё маданиятида Бухоро ўзининг нафақат маҳобатли меъморий ёдгорликлари ва зукко фарзандлари, балки турар жойларига кўрк берувчи бадиий безаклари билан ҳам алоҳида ўрин тутарди. Бунда нақшошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Хонадон безагида, айниқса, энг қиммат ва кўп меҳнат талаб қиладиган ганч ўймакорлигини қўллаш оммавий тус олган. Бундан ташқари, Бухоро зардўзлари ишига маҳлиё бўлмаган ёхуд уларнинг санъати ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Кейинги йилларда Бухоро зардўзлари ҳам иждоий ғоялар, янгиликлар қўршовадилар. Яъни айримлар ўйлаганидек зардўзлик фақат дўппи-тўн тикишдангина иборат эмас. "Асрлар садоси — 2011"да "Ўзбекистон зардўз-лиги ривожига қўшган хиссаси учун" номиниасида муносиб тақдирланган табаррук ёшли Нурмухаммад ота Султонов ва Махфуза Салимова зардўзлик санъатининг имкониятлари қанчалик кенг эканини нафақат юртдошларимизга, балки хорижлик соҳа мутахассисларига ҳам кўз-кўз қилишди. Ун уй йилдирки, "Зардўзлик миниатюра гилами" услубида иزلанишлар олиб бориб, мана шу хунар орқасидан истиқлол шарофати ила Америка, Канада, Франция, Япония каби давлатларга бориб мамлакатимиз, унинг миллий қадриятларини

Бундан ташқари, Бухорода гиламдўзлик, каштадўзлик, телпақдўзлик хунарлари ҳам санъат даражасига кўтарилган.

Ғиждувонлик Назруллаевлар сулоласининг дони дунёни тутган десак, муболага бўлмас. Меҳнатидан шараф толган улуг қулоллар устохонасига уммон орти мамлакатининг нуфузли хонимлари Хиллари Клинтон ва Мадлен Олбрайт, инглиз шаҳзодаси Чарльз, Греция раҳбари Константин Стефанополислар ташрифи буорган. Клинтон хоним эса ватанига қайтган, Оқ уйдан миннатдорлик мактубини ҳам жўнатган. Бу нафақат этти пушти уста ўтган Назруллаевлар сулоласига, балки барча ўзбек хунармандларига билдирилган ҳурмат, эътироф эди!.. Қулолчиликнинг анъанавий услубида ишлаб келаётган Ўзбекистон халқ устаси Алишер Назруллаев ва укаси Абдулла Назруллаев Ғиждувонда миллий қулолчилик музейини очилган. Бу даргоҳга бутун дунёдан сайёҳлар, мутахассислар ташриф буюриб, юртимиздаги қулолчилик мактаблари билан мунтазам танишиб келмоқда.

Агар инсон элим деб, юртим деб, ёниб яшаса, халқнинг дуоси тўғайли йўллари очиларди, мушқули осон бўларди. Бундай феълли инсонларни бисёр Бухоро катта карвон — Ўзбекистон бағрида буюк келажак сари дадил одимлар экан, замини бўстон, аҳли фаровон, йўллари равон, тунлари чарогон сўлим гўшага айланишига шак-шубҳа йўқ.

Шавкат НОСИРОВ, Матўқуб НАРЗИЕВ, "Hurriyat" мухбирлари



# ТАРИХИЙ ЭВРИЛИШ

## оммавий ахборот воситалари тизимини ҳам жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишни тақозо этмоқда

(Бошланғич 1-бета.)

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жамиятни модернизация қилиш, шу жумладан, амалга ошириладиган ислохотларнинг таркибий қисми ҳисобланган ахборот тизимини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласига ҳам устувор вазифа сифатида қараб келинаётир. Зеро, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва муносабатини эркин ифода этадиган минбардан айлантмай туриб, улугвор мақсадларга эришиш кийин.

Чиндан ҳам, бугунги глобаллашув замонида халқимиз ва халқаро ҳамжамиятни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, фуқароларнинг давлатга, жамиятга нисбатан муносабатларини ҳолис ва ҳаққоний ахборот этириш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантиришдек муҳим ва масъулятли ишлар рўйида оммавий ахборот воситалари фаолияти алоҳида ўрин тутди.

Зеро, инсоният тарихида давлатчилик пайдо бўлибдики, жамиятни бошқариш ва шакллантириш масалаларининг ечимини кўп жиҳатдан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳамда шу соҳа ағзаларининг сиёсий ва касбий даражасига ҳам боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Орта қолган йилларни сарҳисоб этарканмиз, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ис-

лохотларнинг ошқоралигини таъминлаш, медиа-мақонга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилиб, миллий қонунчилигимиз халқаро андозалар ҳамда замон талабларига биноан тақомиллаштирилганини яққол кўриш мумкин. Ўз навбатида, қонунчилигимизга сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, цензурага йўл қўймаслик, ОАВ фаолиятини фақат суд тартибиде тўхтатиб қўйиш каби демократик стандартлар жорий этилди.

Шу жиҳатдан олганда, Бош Қомусимизда ОАВнинг эркинлигини кафолатловчи «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга» эканлиги, «оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва цензурага йўл қўйилмаслиги» тўғрисидаги нормалар белгилаб қўйилди. Зеро, давлатимизнинг Асосий Қонуниде бу қоидалар бежиз қайд этилмаган. Ушбу қисқа жумлаларда ОАВнинг жамиятдаги ролини ошириш, эркинлигини таъминлаш, уларнинг халққа садоқат билан хизмат қилишига эришиш зарурлиги ўз ифодасини топган.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мўжассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги ўн йилликда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тақийлик-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислохотлар ўз самарасини бера бошлади.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибиде 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини қўллаган бўлганда, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилгани ҳам муваффақиятларимизнинг нечоқлиқ қамрови кенглигини далолат қилади. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатишмоқда.

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг тақомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1218 тага етди. Мажҳуд барча телеканалларнинг 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи, босма нашрларнинг 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элларнинг еттига тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлаётгани ҳам эътироф этиш жоиз. Шунингдек, юртимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сифати жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 8 миллион нафардан ортиб кетгани ҳам бунини тасдиқлаб турибди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиз, мамлакатимизнинг йигирма йиллик тараққиётини ўзида мўжассам этган олти устувор йўналишни қамраган Концепцияда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодий либераллаштириш йўналишида чуқурлаштириш йўна-

лишларида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим стратегик вазифалар белгиланганини қайиди эътиборга олиш жоиз. Чунинки, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнига жадаллик билан кечаётган, мамлакат аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси ўсиб бораётган, кўппартиявийлик тизими қарор топаётган республикамизда ислохотларни босқичма-босқич, пухта режа асосида, нафақат бугунги кунни, айни чоғда эртани, олис келажакни, келгуси авлодларнинг манфаатларини ҳам ўйлаб амалга ошириш, бу борада шомашошарликка йўл қўймаслик, қабул қилинаётган ҳар бир қонун, қарорда халқимизнинг хоҳиш-иродасини инобатга олиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Юртимизда амалга оширилган улкан ишларни сарҳисоб этар эканмиз, айни пайтда олдимизга қўйган улуг мақсадларимизга, ҳеч қандам кам бўлмаган ҳаёт даражасига етиш учун белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишда давом этишимиз зарур. Зеро, биз кўзлаган оқсак марраларга етиб бориш, эртанги кунга катъий ишонч билан қараб яшаш учун барча асосларимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустаҳкамланиши, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, уларни том маънода «тўртинчи ҳокимият»га айлана олишлари учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси  
депутати

## Нега мутолаа қилмайсиз?

«Нега китоб ўқимайсиз?» деган саволга кўплар «ўқишга вақтим йўқ!», деб жавоб беради. Буни қарангки, соатлаб телевизор қаршида ўтириб, хаёлни чалғитувчи турли сериаллар, кўнгилочар дастурларни қолдирмай томоша қилишга, бозорга янги келган сўнгги модадаги кийимлар ҳақида соатлаб сўхбатлашишга, чойхонага бориб, азонгача чойхўрлик қилишга вақт бор. Аммо битта китоб мутолаа қилиб, ундан олган таассуротларини оила аъзолари, фарзандлари билан ўртоқлашишга ўша зорманда сираям топилмайди.

«Китоблар берадиган маънавий озуқани телевизордан ҳам олавераман», дейдиганлар қаттиқ адашади. Чунки айрим каналлар орқали ҳар кунги ўн мартаб такрорланадиган энгил-елли клиплар, сўнгги модадаги кийимларга қизиқтиришга хизмат қилаётган кўнгилочар шоулар зинҳор ёшларга келажакда ҳам асқотадиган маънавий озуқани, коммулик билиминини беролмайди. Мутолаадан тўхташ ва бунини турли баҳоналар билан оқлашга уриниш атрофда юз бераётган воқеалардан тамоман беҳабар қилишга сабаб бўлиш билан бирга маънавий ўсишдан тўхташни ҳам аниқлатади. Бундай кишилар нафақат ўзининг, балки тўғри тарбия бера олмаслиги сабабли фарзандларининг ҳам келажакини хатарга қўяди. Негаки, бола фақат мактабдагина тарбияланмайди. У катталарнинг ҳар бир ҳаракатидан ўрнак олади. Уларга тақлид қилишга уринади. Ёшлар учун катталарнинг барчаси — тарбиячи. Демакки, маънавий коммуликка интилиб яшаш, фарзандлар ҳаётини ҳам илм нурлари билан чароғон этиш Ватан тараққиётига ҳисса қўшиши ҳамдир.

**Зилола ТУРСУНБОЕВА,**  
«Олтинқул» газетаси муҳбири

**"MikroFinanzaRating" компанияси (Италия) Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни микромолиялашга ихтисослашган "Микрокредитбанк"га халқаро қабул этилган "SBB" меъёрларига мувофиқ "Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўйбоқ чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоли юқори бўлган банк" деган ижтимоий рейтингни тақдим этди.**



# МАҚСАД – ҲАР БИР ОИЛАГА

Президентимизнинг ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган молиявий муассасамиз кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлари тўғрисида ана шундай халқаро эътирофга сазовор бўлди. Аслида мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга иштирокдорлик қилган йиллариданок катта эътибор билан ёндошила бошланган эди. Юртбошимиз 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиб, яна бир бор барча тадбиркору ишбилармонларни бунёдкорликка, яратувчиликка, мамлакатимизда тараққиётни барқарор ривожланишга чорлади.



Гап банкнинг республикамизда олиб бораётган микромолиялаш фаолияти ҳақида кетганда, аввало, қўлга киритилган марралар банк томонидан олиб борилган кенг қўламадаги ташкилотчилик ишларининг натижаси эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Муносиб тадбиркорларни топиш, уларнинг бизнес фаолиятларини йўлга қўйишда банкка Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Урта-маҳсул касб-хунар маркази, Оксоқоллар кенгашининг "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қўллаб-қувватлаш ташкилотлари яқиндан ёрдам берди. Банк ана шундай ҳамкорлик асосида узоқ қишлоқ-

имтиёзлар яратди. Жумладан, илгариги 5 фоизли микросармоялар 3 фоизга туширилди, микролизинг хизматларининг фоизи камайтирилди, банк устав капитали 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, 150 миллиард сўмга etkazилди. Банк мамлакатимиз молия бозорига беш йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Мана шу вақт ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 681 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратди. Жумладан, микромолиявий хизматлар миқдори 399 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур сармоялар эвазига республикамизда 400 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

лардаги ҳар бир маҳаллага, уларда истиқомат қилаётган ҳар бир оила даврасига қилиб бори.

Тадбиркорлар учун яратилган ана шундай имтиёзлар самараси ўлароқ, молия муассасаси ўтган 2010 йилнинг ўзида кичик бизнесга 214,4 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратди. Жумладан, 121,4 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатди. Яъни, микромолиявий хизматлар кўрсатиш қўлами 2009 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди. Йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобига қарийб 120 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Банкнинг тадбиркорлар даврасига қай даражада жадал кириб бораётганини ўтган 2010 йилнинг ўзида



Гап банкнинг республикамизда олиб бораётган микромолиялаш фаолияти ҳақида кетганда, аввало, қўлга киритилган марралар банк томонидан олиб борилган кенг қўламадаги ташкилотчилик ишларининг натижаси эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Муносиб тадбиркорларни топиш, уларнинг бизнес фаолиятларини йўлга қўйишда банкка Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Урта-маҳсул касб-хунар маркази, Оксоқоллар кенгашининг "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қўллаб-қувватлаш ташкилотлари яқиндан ёрдам берди. Банк ана шундай ҳамкорлик асосида узоқ қишлоқ-

амалга оширилган биргина тадбир асосида ҳам аниқла олиш мумкин. Молия муассасаси ўтган йили иш билан банд бўлмаган, илк бор тадбиркорликка қўл урган фуқароларга бошланғич сармоя учун 14,1 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратди. Бу борадаги ишлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яна ҳам яхши йўлга қўйилди. Тадбиркорларга жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида қарийб ўтган бир йилги ҳажда, аниқроғи — 13 миллиард сўм миқдорда бошланғич сармоялар ажратилди. Яқка тартибда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан парҳез гушт ва тукум учун зотдор товуқлар са-

ноат асосида парваришланмоқда. Яқка тадбиркорларнинг уй меҳнатини ташкил этиш орқали ҳар бир оилага ишончли ва доимий дардоий эътибор қаратилди. Бундай тадбиркорликнинг 4760 субъектига бошланғич сармоя сифатида 6 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Берилаётган микрокредитлар ҳажмининг кескин кўпайиши ҳисобига биргина ўтган йилнинг ўзида кредит қўйилмалари миқдори 189,3 фоизга ошди.

2010 йилги ҳисоб-китобларга қараганда банкнинг кичик миқдордаги микрокредитларини олган тадбиркорлар микромолиявий хизматлардан фойдаланаётган жами миқдорларнинг 50 фоизини ташкил этди. Бинобарин, микросармоялар ҳажмининг бирмунча кичиклиги ҳисобига олинса, бу маблаг неча юзлаб тадбиркорларнинг орзу-мақсадларини рўйбоқ чиқаришини тасаввур этиш кийин эмас.

Риштондаги Зарарик маҳалласида яшовчи Мирзохон Акрамов банкдан сармоя олиб ишини йўлга қўйган ёш тадбиркорлардан.

— Коллежда ўқиб юрган пайти-мизда, — дейди тадбиркор, — "Диплом билан бизнесга" мавзуда семинар ўтказилди. Менда катта таас-

сурот қолдирган бу тадбирда "Микрокредитбанк" мутахассислари битирувчиларга келгусида тадбиркорликни қандай бошлаш, бизнес-режа тузиш, кредит олиш, умуман, кичик бизнесга кириб бориш йўллари оқддийгина қилиб тўшунтириб беришди. Ўша пайтда кўнглимда тадбиркор бўлиш истаги туғилганди. Коллежни тамомлаб, ўрганганларини ҳаётга таъбиқ қилган ҳолда кулолчилик устахонасини ташкил қилмоқчи бўлдим. Бизнесини йўлга қўйиш учун ўзимга яхши таниш бўлиб қолган "Микрокредитбанк"га мурожаат қилдим. Банк мутахассисларига бизнес-режама маъқул келди ва менга йиллик 3 фоиз устамали 2 миллион 400 минг сўм бошланғич микрокредит беришди. Шундан сўнг ишларим юришиб кетди. Махсул дастгоҳ, бўёқлар умуман кулолчиликни бошлаш учун зарур бўлган барча нарсаларни харид қилдим. Аввалига сопол товуқлар тайёрлаган бўлсам, тез орада миқозлар талабидан келиб чиқиб, маҳсулотлар турини кўпайтириб бордим. Ҳозир устахонамизда сополдан чойнак-пиёла, косалар, турли ўлчамдаги хайкалчалар ясаймиз. Маҳсулотларимизга харидор кўп. Айниқса, хорижийлар томонидан кизиқиш жуда банд.

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

Шарҳ

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЗАҲАРЛИ» МЕВАСИ

Соат, секундомер, фонар, калькулятор, телеграф, телефон, радио, телевизор, фотоаппарат, видеокамера, видеомагнитофон, компьютер, DVD плеер... Бу кетма-кетликни яна истаганча давом эттирсак бўлади. Аммо бунга ҳоҳат йўқ. Сабаби уларни бугун битта сўз билан ҳам ифода этишнинг иложи бор. Ҳа, англаганингиздек, «оддийгина» мобил телефонлар ҳақида гап кетапти. Юқорида номи зикр этилган воситаларнинг барча хусусиятларини шу кичиккина матоҳ ўзида бирлаштира олган. Шу боис, телефонлар ҳозирча дазмол билан «заҳи-галка»нинг ўрнини босмаяпти, холос, деб ҳазиллашлари беҳиж эмас.



Албатта, бу тараққиёт меvasи. Замона шиддати ҳаёлимиз қудрати етмаган мўъжизаларни ҳам ҳада этишга қодир. Аммо танганинг бошқа томони ҳам бўлгани каби, масаланинг иккинчи жиҳати борки, у тобора дунё ҳамжамиятида жиддий ташвиш уйғотмоқда. Яқинда англиялик олим Уильям Стюард ўзининг кўп йиллик тадқиқотлари натижаларини жамоатчилик эътиборига ҳавола этди. Унда узоқ вақт уяли алоқа воситасидан фойдаланган кишиларда қулоқ ва мия ўсимтаси ривожланиши ҳақидаги таҳмин илгари сурилган. Бунга Буюк Британияда ҳар йили 4700 фўқарода мия ўсимтаси аниқланаётгани, уларнинг сони сўнгги 30 йил ичида ўртача 45 фоизга кўпайгани асос қилиб кўрсатилмоқда.

— Далиллар нурланганига биринчи бўлиб ўшлар дучор бўлаётганидан далолат бераёпти, — дейди профессор Стюард. — Шу сабабли ота-оналар ўз фарзандларининг саломатлиги учун қайғурган ҳолда, уяли телефондан фойдаланиш меъёрларини кўриб чиқишлари ва уларга мобил алоқа зарур бўлмаса, имкон қадар фойдаланишларини тавсия этишлари лозим.

Профессорнинг ушбу ташвишларнари қачирғи эътиборсиз қолмади. Миллий мактаблар ассоциацияси бош директори Девид Хард мактабларда уяли телефонлардан фойдаланмасликни сўраб, ота-оналарнинг салбий оқибатлари ҳақида уялиб кўришга қачирди. Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида эса ҳавфсизлик чоралари аллақандай қўрилган бўлган. Масалан, Янги Уолтем шаҳридаги Тадбиркорлик ва ишбилармонлик коллежида эшикдан кираверишда алоқа воситаларини фойда қилишга қачирди. Агарда қай бир ўқувчида телефон аппарати топилмаган бўлса, махсус хизмат вакиллари қаттиқ ҳайфсан эълон қилган ҳолда уни дарҳол ота-оналарига бериб юбормоқда.

Голландияда ўтказилган тадқиқотлар ҳам телефон станцияларига яқин ҳудудларда яшовчи кишилар бошқаларга қараганда ўз соғлиқларидан икки баробар кўпроқ шикоят қилаётгани, уларнинг кўпчилигида саратон касаллиги аниқланаётганини тасдиқлади. Текширувлар натижасида уяли алоқа тўқинлари инсон организмига ҳужайраларига салбий таъсир кўрсати-

тиб, уларнинг «ўлими»га сабабчи бўлиши аниқланди. Швеция олимларининг баёнот беришича, акустик тўқинлар марказий нерв тизимига салбий таъсир кўрсатади. Айнан телефон қайси тарафда фойдаланилса, шу тарафдаги мия фаолиятини кўпроқ кучсизлантиради ва зарарли ўсимта ҳосил бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда ҳар йили 100000 нафар кишининг эшитиш тизими ишдан чиқишига олиб келмоқда.


Бу каби шов-шувли тадқиқотлар, уларда баён этилаётган хавотирли таҳмин ва ҳулосалар ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилмагани ҳамда бу борадаги исбот ва далиллар етарли эмаслиги уяли телефон ишлаб чиқарувчи компанияларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Шу боис, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тез орада ер юзидаги барча илмий текширувларини жамлаб тўпала ҳолатда чоп этишни режалаштирмоқда. Шундан сўнггина мазкур муаммоли масалага батамом ойдинлик киритилса, ажабмас.

Умида КАМОЛОВА, УЗМУ талабаси

Дараклар

### ИННОВАЦИЯ УЧУН 1 МИЛЛИАРД ЕВРО

Германия ва Россия биргаликда инновацион технологияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи жамғарма тузишга келишиб олди. Мазкур жамғарманинг дастлабки капитал маблағи микдори 1 миллиард еврони ташкил этади. Ушбу келишув Россиянинг «Ташқиқтисодиётбанк»и давлат корпорацияси ҳамда Германиянинг КfW банки вакиллари томонидан имзоланган.



«Ташқиқтисодиётбанк» раҳбари Владимир Дмитриевнинг таъкидлашича, томонларнинг жамғармадаги улуши қанча микдорда бўлиши ҳозирча аниқ эмас. Аммо шуниси маълумки, мазкур жамғарма келгусида ишлаб чиқариш соҳасига камхарж инновацион технологияларни жорий этишни молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди. Чунинчи, жамғарма ўз фаолияти билан айна пайтда Россияда фаолият кўрсатаётган бир қатор қўшма корхоналарга инновацион технологияларни жорий этишни тезлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

### АВИАРЕЙСЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Душанба кунини АҚШнинг Аризона штатида кучли қум бўронлари кузатилади, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Оқибатда Phoenix Sky Harbor халқаро аэропорти мутасаддилари бир неча рейсларни бекор қилишга мажбур бўлди.



Қум бўронлари авж олган пайтда шамолнинг тезлиги сониясига 11 метрдан 18 метргача етган. Ноқулай об-ҳаво боис кўриш кескин даражада пасайган ва бу, айниқса, автомобиллар ҳаракатида жиддий таъсир ўтказган.

Ҳозирча қум бўронлари етказган талафотлар ҳақида ҳеч қандай маълумот айтилмаёпти.

### ҲИНДИСТОНДА ЙИРИК УРАН КОНИ ТОПИЛДИ

Ҳиндистоннинг жанубида янги уран кони топилди. Дастлабки ўрғанишлар мазкур кон уранига ниҳоятда бойлигини кўрсатмоқда. Бу ҳақида мамлакат ядро энергетика-



си департаменти раиси Шрикумар Банержи оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида айтиб ўтган.

Шрикумар Банержининг сўзларига қараганда, Андра Прадеш штатида жойлашган Тумалапалли қонидаги уран захираси 49 минг тоннани ташкил этади. Бироқ ҳали кон худуди тўла ўрганилганча йўқ. Шу сабабли уран захираси 150 минг тоннагача етиши мумкин. Тумалапалли қонидаги уран моддасини жорий йилнинг охирида қайта ишлашга киришиш кутилмоқда. Маълумотларга кўра, Хиндистонда АЭСлар умумий электр энергиясининг 3 фоизга яқинини ишлаб чиқаради. 2050 йилга бориб бу кўрсаткични 25 фоизгача кўтариш мўлжалланмоқда.

### АҚЛЛИ МУЗЛАТГИЧ

Британиянинг Марказий Ланкашир Университети олимлари музлатгич эшигига ўрнатилган ультратовуш сканерини яратишди. Бу мослама ёрдамида музлатгич мустақил равишда қайси маҳсулот айни қолгани ёки энди айнимоқчи эканини аниқлай олади.




Бундан ташқари, сканер музлатгичда қандай маҳсулотлар етишмаётганини ҳам аниқлаб, бу ҳақида уй эгасига хабар беради. Янама эътиборли жиҳати, агар сиз бирон-бир таом тайёрламоқчи бўлиб, унинг номини музлатгич экранига ёзсангиз, у нафақат таомни пишириш учун керакли бўлган масалликларни, балки харид қилишигиз керак бўлганларини ҳам «айтади». Шунингдек, музлатгич экранига турли пишириқ ва таомларнинг тайёрланиши ҳақидаги кўрсатувлар ҳам намойиш қилиб борилади.

Айни пайтда музлатгични янада такомиллаштириш устида иш олиб боришмоқда.

### ОЛТИН ҚИММАТЛАШМОҚДА

18 июлдаги савдоларда олтин рекорд даражада қимматлашди. Аниқроғи, 1 унция (31 грамм) олтин баҳоси 1600 АҚШ долларигача кўтарилди. АФР ана шундай хабар тарқатди.



Бунга қадар, 13 июль кунги биржа савдоларида олтин максимум даражада қимматлашган эди. Ушундан 1 унция олтин 1579,7 доллар деб баҳоланган. Умуман олганда, кузатишлар қимматбахо металл нархи кейинги йилларда тобора кўтарилиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида бу ўсиш 30 фоизга етган.

Сармоядорлар бу ҳолини Европа давлатларидаги иқтисодий таназул, унинг борган сари кенг «қулоч ёяётгани» билан боғлашмоқда. Шу билан бирга, АҚШда кузатилаётган техник дефолт ҳам олтиннинг қимматлашишига ўз таъсирини ўтказмай қолмапти.

Интернет хабарлари асосида Зарифа ҚУЛМУРОВА тайёрлади

## 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# МАДАД БЎЛИШ

Дарҳақиқат, шу кунларда М.Акрамовнинг қўли-қўлига тегмаёпти. Хунар ўрганиш истагида бўлган ўн нафарга яқин ёшларни атрофига тўплаган тадбиркор ўтган йили яратган қулоқчилик намуналари билан Франция ҳамда Малайзия мамлакатларида ўтказилган нуфузли кўргазмаларда қатнашиб келди. Айни пайтда у АҚШда бўлиб ўтадиган амалий санъат усталари халқаро анжуманида иштирок этишга тайёргарлик кўраётди. «Менинг бугунги ютуқларим кўлга киритилиш давлатимиз хусусан, «Микрокредитбанк» томонидан яратилган имконият, билдирилган ишонч натижаси», — дейди тадбиркор.

Жаҳонгир Ҳамроев бундан икки йил илгари «Сардор ҳамкор плюс» хусусий фирмасини ташкил қилиб, Китоб туманида мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Шу орада «Микрокредитбанк»дан 13 миллион 600 минг сўм микдорда микрокредит олиб, ушбу сармоюга беш турдаги дастгоҳларни харид қилди ва корхонани ишга туширди. Ҳозир шундаги ишчилар сони ўн нафар. Корхона тайёрлаётган стол-стул, каравот ва этажеркаларга талабгорлар кўп. Айниқса, яқинда ишлаб чиқара бошланган — икки қаватли болалар каравотлари харидорларга кўпроқ маъқул бўляпти. Уларни тумандаги болалар ёғти дам олиш оромгоҳлари ва мактабгача таълим муассасалари кўплаб харид қилмоқдалар. Тадбиркорнинг келгусидаги режалари қатъий. Чунки олинган даромадлар эвазига кредитларни қайтариш имкони пайдо бўлди. Эндиги вазифа ишлаб чиқарилаётган мебельлар сифатини янада яхшилаш учун банк билан хориждан янада мукамал дастгоҳларни олиб келиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 145,2 миллиард сўм микдорда кредитлар ажратди. Шундан 88 миллиард 202 миллион сўми микромолиявий хизматларни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар ортиқроқдир. Микромолиявий хизматлар эвазига республи-

ликамида 45 мингтага яқин янги иш ўринлари яратилди.

Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон-фермер хўжалиқларига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологияларни, тўқимачилик ускуналарини, хизмат кўрсатиш дастгоҳларини, саноат учун минитехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникаларини, йўловчиларни ташийдиган транспорт воситаларини, юк автомобилларини имтиёзли микролизинг хизматлари асосида олиб берди. «Микрокредитбанк» республика миқявий институтлари ичида энг имтиёзли фойзаларда (йиллик 5 фоиз устуама билан) микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. Масалан, биргина 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Микролизинг портфелининг 35 фоизи хизмат кўрсатиш, 20 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизация-



лаш, 24 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқаришга, 17 фоизи озиқ-овқат ва 5 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўри келади.

Узбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг маълумотларига кўра «Микрокредитбанк» 2010 йил-

да лизинг бозорида кўрсатилган лизинг хизматлари сони бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Узбекистон Республикаси Марказий банки, Узбекистон Банкар ассоциацияси ва бошқа қатор масъул ташкилотлар томонидан республика молия муассасалари ўртасида ўтказилган «BANK EXPO 2011» деб номланган банк технологиялари, жиҳозлар ва хизматлари кўргазмасида «Микрокредитбанк» ОАТБ «Энг кўп ташриф буюрилган стенд» ва «Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинациялари бўйича гўлиб-гўл деб топилганининг ўзи ушбу молиявий ташкилотнинг шу кунлардаги фаолиятига берилган юксак баҳо ҳисобланади.

Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 23,5 миллиард сўм микдорда микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бунинг эвазига корхоналарда 6,5 мингтага

кўпроқ иш ўринлари яратилди. «Микрокредитбанк» республика миқявий институтлари ичида энг имтиёзли фойзаларда (йиллик 5 фоиз устуама билан) микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. Масалан, биргина 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Микролизинг портфелининг 35 фоизи хизмат кўрсатиш, 20 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизация-

лаш, 24 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқаришга, 17 фоизи озиқ-овқат ва 5 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўри келади.

Узбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг маълумотларига кўра «Микрокредитбанк» 2010 йил-

кўпроқ иш ўринлари яратилди. «Микрокредитбанк» республика миқявий институтлари ичида энг имтиёзли фойзаларда (йиллик 5 фоиз устуама билан) микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. Масалан, биргина 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Микролизинг портфелининг 35 фоизи хизмат кўрсатиш, 20 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизация-

лаш, 24 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқаришга, 17 фоизи озиқ-овқат ва 5 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўри келади.

Узбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг маълумотларига кўра «Микрокредитбанк» 2010 йил-

кўпроқ иш ўринлари яратилди. «Микрокредитбанк» республика миқявий институтлари ичида энг имтиёзли фойзаларда (йиллик 5 фоиз устуама билан) микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. Масалан, биргина 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Микролизинг портфелининг 35 фоизи хизмат кўрсатиш, 20 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизация-

кўпроқ иш ўринлари яратилди. «Микрокредитбанк» республика миқявий институтлари ичида энг имтиёзли фойзаларда (йиллик 5 фоиз устуама билан) микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. Масалан, биргина 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Микролизинг портфелининг 35 фоизи хизмат кўрсатиш, 20 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизация-

лаш, 24 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқаришга, 17 фоизи озиқ-овқат ва 5 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўри келади.

Узбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг маълумотларига кўра «Микрокредитбанк» 2010 йил-

кўпроқ иш ўринлари яратилди. «Микрокредитбанк» республика миқявий институтлари ичида энг имтиёзли фойзаларда (йиллик 5 фоиз устуама билан) микролизинг хизмати кўрсатувчи ягона тижорат банки ҳисобланади. Масалан, биргина 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Микролизинг портфелининг 35 фоизи хизмат кўрсатиш, 20 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизация-



жараёни, банкларга аҳолининг ишончи орта бориши ва янги иш ўринлари яратиш имкониятларининг мунтазам тахлили, шу асосда жаҳон мамлакатлари банкларининг рейтинглари ва экспертларнинг шарҳлари, бозорлар ҳолати ва ҳудудий саноат ривожига берилган баҳолар мунтазам ёритилади.

Банк айни пайтда дунёдаги йирик молиявий ташкилотлар — Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кредит линиялари грантларини Узбекистон Республикасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жалб этмоқда.


Бир сўз билан айтганда, истиқболни кўзлаб амалга ошираётган ишлари тўғрисида «Микрокредитбанк» Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — «MIX-MARKET» агентлиги ҳисоботларига кўра, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сафига кирди ҳамда 5 олимсолик микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди. Халқаро «Fitch Ratings» агентлиги «Микрокредитбанк»нинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтингларини «В» — «Барқарор» даражасига кўтарди.

Бир сўз билан айтганда, «Микрокредитбанк» ажратаётган имтиёзли, қулай мuddатларга мўлжалланган микросармоиялар мамлакатимизнинг турли бурчакларида аҳоли учун қўллаб зарур маҳсулот ва ашёларни яратиш билан доимий ва ишончли иш ўринларини ташкил этмоқда. Бугунги кунда банкнинг мижозлари 200 мингтага яқинлашаётгани унинг микросармоиялари янада қўллаб кичик корхоналарни фаолиятини ташкил этаётганидан, элмиз турмушининг фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганидан далолат беради.

Рашид РАУПОВ

# Сувнинг ҳам уволи бор

Баъзан соя-салқин жойларда, анҳор бўйларида юрганда кўнгли болаликдаги каби маъза қилиб чўмилишни, зилол сувлардан ҳовучлаб сипқоришни, ҳеч бўлмаса, юзқўлингни бўлса-да, муздай сувга чайиб ором олишни истаб қолади. Эсимда, онам тандирдан узган иссиқ нондан ушатиб берган заҳоти ҳовлимиз ёнгинасидан ўтадиган ариқ томон чопардик. Чунки иссиқкина нон бўлагини сувга бўктириб ейишнинг гашти бўлакча эди-да...



ишни қилишга одатланиб қолади. Бундайларни жарима ҳам, танбех ҳам йўлга солмайди. Шундай экан, экологик тарбия муаммосини оиладан бошлаш мақсадга мувофиқ.

**Олим МИРЗАЕВ, Шайхонтохур туманидаги «Чўпонота» маҳалла фуқаролар йиғинининг яраштирув комиссияси раиси:**

— Маҳалламизда 7 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ичимлик сувини ноўрин сарфламаслик учун Бўзсув каналининг 4 жойидан дамба усулида сув оламиз. Бунда ҳеч қандай электр билан ишлайдиган насосдан фойдаланилмайди. Бўзсувдан оладиган сувимиз маҳалламиздаги гулларни, дарахтларни сугоришга, кўча-ҳовлиларга сепишга сарфланади. Демокчиманки, аҳолига қулайлик яратишни ҳам ўйлаш керак. Ушандаям манманлик ё ўзбошимчалик қиладиганлар учраса, маъмурий жазолаш ўринли бўлади, деб ҳисоблайман.

**Ирода БАННАЕВА, Сирғали туманидаги Ал-Фарғоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини котиби:**

«Сувни исроф қилганнинг бири икки бўлмайди» дердилар буюм. Вояга етгач, бу гапларнинг маъзани чақдим. Ҳар бир нарсанинг, жумладан, сувнинг ҳам уволи бўларкан. Биз кўча-мак-кўча юрганимизда, маҳалладошларимиз билан учраганимизда исрофгарчиликка йўл қўймаслик зарурлиги, ана шунда юртимизга янада кўпроқ барака ёғилишини уқтираемиз. Кузатувларимиздан келиб чиқиб, сувни ортиқча сарфлайдиган, унга турли чиқиндилар ташлайдиганлари жарима тўлашга мажбур қилгандан кўра, бир неча ҳафтага сув таъминотидан маҳрум қилишдек «хонаки» жазоларни қўллаш керакман, деб ўйлаб қолам. Ана шунда «эшиқдан оққан сув»нинг қадрини англаб етишса, ажабмас...

Инсон одабиат олдидега ожиз. Табиатта нотўғри муносабатда бўлсак, унинг неъматларидан ноқиллана қолгансак, эрта-инди жазоланишимиз турган гап. Бугун дунёнинг қатор давлатларида рўй бераётган фожиялар ушбу фикримизни исботлаб турибди. Демак, табиатнинг ҳар бир неъматини, шу жумладан, сувнинг ҳам уволи борлигини унутмаслик керак. Бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини яна кучайтириш яхши самара беради. Тўғри, кутилган натижага эришиш осон кечмайди, аммо ҳар бир эзгу ҳаракатда баракат бўлиши аниқ.

**Матқуб НАРЗИЕВ, Нилуфар ШАВКАТОВА**

# Оила ҳақидаги битим

Никоҳ шартномаси моҳиятига кўра, турмуш қуришдан олдин ёки никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Оила қуришдан олдин тузилган никоҳ шартномаси давлат рўйхатида олинган кундан кучга киради.

нисбатан биргаликдаги ёки алоҳида эгаллик қилиш тартибини ўрнатишлари мумкин. Яъни, содда қилиб айтганда, мулкни узаро бўлиб олишлари мумкин. Энди мулкни бўлиш жараёни



Оила кодексининг 31-моддасига мувофиқ, эр билан хотин никоҳ шартномасининг асосан биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга ҳақлидир. Шунингдек, ушбу кодекснинг 23-моддасида бу ҳақда шундай дейилган: «Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулкларининг, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобга олинган мол-мулклар, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади».

Фуқаролик кодексининг 225-моддасига кўра, агар биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасида келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргаликда эгаллик қилдилар ва ундан фойдаландилар. Демак, эр ва хотин ўзларининг барча мол-мулкларига, уларнинг айрим турларига ёхуд ҳар бириларининг мол-мулкларига

ни кўз олдинга келтиринг. Дейлик, уй эрининг, машина хотиннинг эгаллигига ўтадиган биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга ҳақлидир. Шунингдек, ушбу кодекснинг 23-моддасида бу ҳақда шундай дейилган: «Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулкларининг, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобга олинган мол-мулклар, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади».

Хулоса шунки, никоҳ шартномаси оиланинг жамиятдаги ўрнини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий шартномадир. У нафақат оила бузилишини олдини олади, балки мол-мулкка бўлган эҳтимолини муҳофаза қилади ҳам. Шундай экан, ҳуқуқий асосларга таяниб иш юритиш оилаларнинг мулквий манфаатдорлигини сақлаб қолишда асқотади.

**Ойбек ҒАНИЕВ, ТДЮИ талабаси**

муҳофаза қилиш кўмитасида бўлди. Кўмига ходимларнинг шахар давлат санитария-эпидемиология хизмати билан ҳамкорликда ўтказган назорат-таҳлил тадбирлари натижаларини кўриб, сувнинг қадрига етмаётганлар ҳам борлигидан, очиги, ранжидик. Мирзо Улугбек тумани, Пилла 1-берк кўчасидаги 10-хонадон соҳиблари рўзғордан фойдаланилган, истъомолга яроқсиз оқовани Яланғоч каналга оқизадиган қувур ўрнатиб қўйишди. Шу туманининг Султония кўчаси, 10-уйдаги яшовчилар...хонани Яланғоч канали бўйидаги қуришнинг катта гуноҳ эканини билишмасмикан? Учтепа туманининг 7-Мирхонд кўчасидаги 40, 36 ҳамда Саққоқий кўчасидаги 11-уйдагилар эса Бўзсув канали қирғоғида умрғузаронлик қилаётганликлари учун шўкрона айтиш ўрнига, ҳовлилардаги чиқиндиларни шу каналга улоқтиришни маъқул қилишаркан. Тўғри, назоратчилар уларнинг ҳар бирига 16600 сўм миқдорда жарима солишди ва бу қурилмаларни бузиш, бундан кейин каналларга чиқинди ташламаслик хусусида огоҳлантиришди. Бирок...

— Бундан-да таъсирлироқ чора қуришнинг иложи йўқми? — юзланаман шахар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг маъсул ходими Зокир Аҳмедовга.

— Бизга берилган ваколат бўйича шу чорани қўллаш оламиз, холос, — дейди Зокир ака ўнғайсиланиб.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: мана шу обиҳаёт ўзларини бўйича ҳали ман-

зиллари аниқланмаган қанчадан-қанча хонадонлар, корхоналар бор!

— Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун яна қандай таъсир чоралари тадбирлари натижаларини кўриб, сувнинг қадрига етмаётганлар ҳам борлигидан, очиги, ранжидик. Мирзо Улугбек тумани, Пилла 1-берк кўчасидаги 10-хонадон соҳиблари рўзғордан фойдаланилган, истъомолга яроқсиз оқовани Яланғоч каналга оқизадиган қувур ўрнатиб қўйишди. Шу туманининг Султония кўчаси, 10-уйдаги яшовчилар...хонани Яланғоч канали бўйидаги қуришнинг катта гуноҳ эканини билишмасмикан? Учтепа туманининг 7-Мирхонд кўчасидаги 40, 36 ҳамда Саққоқий кўчасидаги 11-уйдагилар эса Бўзсув канали қирғоғида умрғузаронлик қилаётганликлари учун шўкрона айтиш ўрнига, ҳовлилардаги чиқиндиларни шу каналга улоқтиришни маъқул қилишаркан. Тўғри, назоратчилар уларнинг ҳар бирига 16600 сўм миқдорда жарима солишди ва бу қурилмаларни бузиш, бундан кейин каналларга чиқинди ташламаслик хусусида огоҳлантиришди. Бирок...

— Бундан-да таъсирлироқ чора қуришнинг иложи йўқми? — юзланаман шахар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг маъсул ходими Зокир Аҳмедовга.

— Бизга берилган ваколат бўйича шу чорани қўллаш оламиз, холос, — дейди Зокир ака ўнғайсиланиб.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: мана шу обиҳаёт ўзларини бўйича ҳали ман-

зиллари аниқланмаган қанчадан-қанча хонадонлар, корхоналар бор!

— Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун яна қандай таъсир чоралари тадбирлари натижаларини кўриб, сувнинг қадрига етмаётганлар ҳам борлигидан, очиги, ранжидик. Мирзо Улугбек тумани, Пилла 1-берк кўчасидаги 10-хонадон соҳиблари рўзғордан фойдаланилган, истъомолга яроқсиз оқовани Яланғоч каналга оқизадиган қувур ўрнатиб қўйишди. Шу туманининг Султония кўчаси, 10-уйдаги яшовчилар...хонани Яланғоч канали бўйидаги қуришнинг катта гуноҳ эканини билишмасмикан? Учтепа туманининг 7-Мирхонд кўчасидаги 40, 36 ҳамда Саққоқий кўчасидаги 11-уйдагилар эса Бўзсув канали қирғоғида умрғузаронлик қилаётганликлари учун шўкрона айтиш ўрнига, ҳовлилардаги чиқиндиларни шу каналга улоқтиришни маъқул қилишаркан. Тўғри, назоратчилар уларнинг ҳар бирига 16600 сўм миқдорда жарима солишди ва бу қурилмаларни бузиш, бундан кейин каналларга чиқинди ташламаслик хусусида огоҳлантиришди. Бирок...

— Бундан-да таъсирлироқ чора қуришнинг иложи йўқми? — юзланаман шахар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг маъсул ходими Зокир Аҳмедовга.

— Бизга берилган ваколат бўйича шу чорани қўллаш оламиз, холос, — дейди Зокир ака ўнғайсиланиб.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: мана шу обиҳаёт ўзларини бўйича ҳали ман-

зиллари аниқланмаган қанчадан-қанча хонадонлар, корхоналар бор!

— Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун яна қандай таъсир чоралари тадбирлари натижаларини кўриб, сувнинг қадрига етмаётганлар ҳам борлигидан, очиги, ранжидик. Мирзо Улугбек тумани, Пилла 1-берк кўчасидаги 10-хонадон соҳиблари рўзғордан фойдаланилган, истъомолга яроқсиз оқовани Яланғоч каналга оқизадиган қувур ўрнатиб қўйишди. Шу туманининг Султония кўчаси, 10-уйдаги яшовчилар...хонани Яланғоч канали бўйидаги қуришнинг катта гуноҳ эканини билишмасмикан? Учтепа туманининг 7-Мирхонд кўчасидаги 40, 36 ҳамда Саққоқий кўчасидаги 11-уйдагилар эса Бўзсув канали қирғоғида умрғузаронлик қилаётганликлари учун шўкрона айтиш ўрнига, ҳовлилардаги чиқиндиларни шу каналга улоқтиришни маъқул қилишаркан. Тўғри, назоратчилар уларнинг ҳар бирига 16600 сўм миқдорда жарима солишди ва бу қурилмаларни бузиш, бундан кейин каналларга чиқинди ташламаслик хусусида огоҳлантиришди. Бирок...

— Бундан-да таъсирлироқ чора қуришнинг иложи йўқми? — юзланаман шахар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг маъсул ходими Зокир Аҳмедовга.

— Бизга берилган ваколат бўйича шу чорани қўллаш оламиз, холос, — дейди Зокир ака ўнғайсиланиб.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: мана шу обиҳаёт ўзларини бўйича ҳали ман-

## Муқаддима

Россия телеканалларидан бирида "Жаҳон шаҳарлари" рукнида Агра шаҳри ҳақида кўрсатув намойиш этилаётганди. Бошловчи-журналист Бобурийларнинг дунё тан олган улуг ёдгорлиги — Тожмаҳал тўғрисида тўққинланиб, ҳаяжон билан ҳикоя қиларкан, тарихий обиданинг меъморчилиги, тарихи, Ҳиндистон шохчи — Бобурий подшоҳ Шохжаҳон уни сеvimли рафқасига бағишлагани — ҳамма-ҳаммасини билимдонлик билан сабабларга кўриб, ҳамкасб сифатида тан бериб, тинглаб ўтирдим, бир пайт у жонжаҳди билан: "Бабури хоти родился в Фергане, но он вовсе не узбек!" деса бўлади.

Энди, ҳозиргина сўзасмолилга қойил қилиб ўтирган бошловчидан ижирғандим ва... ўзимча фахрландим: у бундан бир неча юз йиллар муқаддам яратилган, ҳозиргача ривожланган мамлакатларда ҳам анча-мунча иқтидорли меъморнинг ақли-заковати етмайдиган даражада мураккаб архитектуравий ансамбль тўғрисида ҳайратланиб ҳикоя қилишга мажбур, бироқ унинг муаллифи аждодларимиздан эканини тан олишни сира-сира истаяман! Чунки миллатга юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган Империя салтанати уларнинг миясига мана шу гегемонлик ғоясини шундай "ақил" қўйган эдики, ҳали-хуз унинг "сой"-сидан чиқиб кетишолмаяпти.

# МУСТАҚИЛИК

...1993 йилда халқроқ дастурлар доирасида америкалик ўзбек Мунаввар Улғун мамлакатимизга келиб, инглиз тили чўқур ўқитилган мактабларнинг 10-11-синф ўқувчиларидан тест имтиҳонлари олиб, унинг варақаларини АҚШга жўнатди. Имтиҳон натижаларига кўра 48 нафар ўқувчи Американинг турли штатларида бир йил яшаб, 11-12-синфларни битириб қайтишди. Ушунда улардан бири билан сўхбатлашган эдим. У сўзлаб берган лавҳа эса ҳамон кўз олдимда муҳрланиб қолган: "Мичиган штатида яшаб-ўқидим, у ерда асли африкалик мусулмон киз билан дўстлашиб қолдим, у мени уйига таклиф қилди. Икки қаватли қасрдай жойда яшашаркан, отаси катта тadbиркорбой. Дугонамнинг отаси мен қайси мамлакатданлигимни сўради. "Ўзбекистонданман" дедим. Тушунмади. Ҳадеганда англайвермаган, "Русиями?" деб сўради. Мен илгари Россия таркибига бирлаштирилган иттифоқда бўлганимизни, икки йил аввал мустақилликка эришганимизни, мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси деб аталганини тушунтирдим.

Бизнинг бир неча юз йиллар олдин жаҳон цивилизациясига салмоқли хисса қўшган Беруний, Улугбек, Ибн Сино, Имом Бухорий каби боболаримиз бўлганини инглиз тилида аниқлашди, халиги кишининг сав-

латидан асар ҳам қолмади. Бирдан: "Эй қизим, сен Имом Бухорийнинг юртиданмансан!" дея ҳайратланиб ўрндан туриб кетди. Пешонаман ўпди: "Қизим, сен Америкада бошлангчи баланд кўтариб юргин, — икки кўлини тепага кўтариб, — Имом Бухорий ҳазратлари бутун дунё мусулмонларининг отаси бўлади, ахир!" — деди ҳаяжонланиб.

Ушунда синфдошларим ҳам Ўзбекистон деган мамлакат борлигини билишмас экан. Биттаси "сизларда ҳам автомобиль борми?" дегани сира эсимдан чикмади...

Ҳа, бу "иттифоқдош" республикалар халқларини ўз тарихидан узиб қўйиш, ахли дунёдан яшириш сиёсатини олиб борган, ўзликини унуттишга хизмат қилган шўро мафкурасининг "самара"си эди. Юз йил муттасил қилинган ҳукмронлик мафкураси натижасида ўз тарихи, ўз маданияти бор мамлакатнинг ҳам ер юзидан йўқ бўлиб кетишига бир баҳа қолганди.

Кеча шундай эди.

## Кеча

Кеча, шўро тузумининг чуқур ҳукмронлик даврида Совет Иттифоқи деган "белоён" ўлкага араб мамлакатларидан

бирининг подшоҳи расмий ташриф билан келганди. Унинг ташрифи доирасида Ўзбекистон ҳам бўлиб, меҳмон Хастимом (Ҳазрати Имом)даги хабробига масжидга бориб, намоз ўқиган ва эртага Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш истаги борлигини айтган. Бугунги авлод учун лоф эмас, эртак эмас, ҳақиқат шуки, ўша

Уша давр мафкураси мансабдор кишиларни ҳатто отасининг жанозасида қатнашишдан ҳам маҳрум этди. Мабодо қатнашадиган бўлишса, улар "диний урф-одатларга амал қилгани" учун айбланиб, вазифасидан четлатиларди. Шу боис амалдор одамлар ўз ота-онасининг жанозасида бел боғлаб туришдан қўриқиб, "командировка"га кетиб қоладиган, қариндош-уруғлар яқин кишининг فوتихасига қўрқа-писа аширинча борадиган бўлиб қолшганди.

Халқимизнинг сеvimли байрамларидан бири — Наврўз эскилик сарқити — бидбат дея қатагон қилинди: газеталар муҳаррирлари Марказқўма қачқилибди, Наврўз ҳақида бир сўз ёзмасликка топшириқ олди ва ҳатто ошхонада оватқаб бўлиб юзига фотиҳа тортган ходимани кўриб қолган муҳаррир унга мажлисда танбех бериш даражасигага бориб етди...

Тошкентдаги "Марказ-27" деган даҳада ҳозир тортигна хоналардан иборат бўлса-да, икки қаватли бер неча қотаж бор, бироқ 90 квадрат

## Публицистика

пайтда бу номни Ўзбекистонда, балки бармоқ билан санарли одамларгина билишган, бошқалар ўз тарихидан бутунлай маҳрум қилинган боис ана шундай алломалар борлигини билмаган: на ўқувчи, на талаба, на зиёлилар. Мутаассадилар меҳмон олдига мулазм бўлиб қолмаслик учун дарҳол тарихчи (исломшунос)ронлик мафкураси натижасида ўз тарихи, ўз маданияти бор мамлакатнинг ҳам ер юзидан йўқ бўлиб кетишига бир баҳа қолганди.

Халқни тарихидан узиш, манкуртга айлантириш мафкураси рўйи учун нималар қилинмаган, дейсиз. Эмони,

## Метр ҳовлига тўрт қаватли, кўп хонали уй биттагина. Номи "экспериментальний" дейилган ўша пайтда. Негаки, у 1966 йилдаги зилзиладан кейин номига яраша эксперимент — тажриба сифатида қурилган. Афсуски, у ягона нухсалигича қолиб кетди. Бошқа йўқ, қурилмади. Сабаби, бу даҳа лойиҳасини тасдиқлаштириш учун Москвага олиб борилганида (битта оддий мактаб қуриш учун ҳам Марказнинг руҳсати керак эди-да — Х.О.) Иттифоқ мамлакатининг ҳукумат раиси Косигин, бу лойиҳадаги қурилишни ҳамшаҳарларимизга раво кўрмай, "Пусть как все живут" деб чеккага суриб қўйган экан...

Мамлакатимиз ана шундай "темир панжа"лардан ажралди, Мустақилликка эришгач, девярли юз йил мобайнида чирмашиб-бирлашиб кетган "катта оила"дан воз кечиб, "қозон-товоқни бўлак қилди". Шунда сувтекин бойликлардан маҳрум бўлиб қолган, ҳукмронлиги қўлдан кетган марказ жазавага тушиб, республикага тегишли уллушларни бериш ўрнига, тикланиш, ривожланишга тўғанок бўлиш саяё-харакатини қўллаб бошлади. "Пахтадан керак бўлса, Америкадан оламиз, билганларингни қилинлар" қабилида терс сиёсат тутди. "Булар

ўзини ўнғолмайди, ялиниб келади" деб ўйлашди. Ҳа, собиқ иттифоқ даврида "Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори" деб жар солинса-да, аслида у халқнинг қулфати бўлгани кейин, Мустақилликка эришиб кўзимиз очилган билдик. Чунки йил-ўн икки ой тинимсиз оғир меҳнат эвазига етиштирилмаган бу "миллий ифтихоримиз"нинг 95-96 фоизи шундоққина хомашё ҳолида Россияга, бошқа республикаларга Москванинг тақсимоти билан жўнатилади. Бир кило пахта учун ўзбекка 70 тийин тўларди. Ҳолбуки, бир кило пахтадан 300 грамм тўласидан тўққиладиган газмолдан иккита эркалар қўйлаги тикиларди. Ҳар бири 20 сўмдан — 40 сўм. 70 тийин қаёқда-ю, 40 сўм қаёқда! Ёзинг жазирамас остида тонгдан тунгача меҳнат қилган, бармоқларини "куф-куфлаб" иситиб қорнинг остидан ҳам пахтани йиғиштириб олган ўзбек соя-салқинда соатига қараб тўқийдиган ва тикадиган "қардош"лардан 40-50 баравар кам ҳақ олган!

Шунинг ҳисобига бу халқ "боқиманда" бўлиб қолган. Бу гапни саводсиз бир киши эмас, балки ўша пайтда республикага биринчи раҳбар бўлиб қолган одамнинг озғиздан, баланд минбардан эшитиш ўлганнинг устига чиқиб телган билан баробар эди...

Бугун ижтимоий ҳаётни тинч ва осойишта йўлга солиш, иқтисодиётни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибасидан намуна олишга очикдан-очик давлатлар бўлаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

# МАЪНАВИЯТ

## Мулоҳаза учун мавзу

### БЕПАРВОЛИК ПУШАЙМОНЛИККА ОЛИБ КЕЛМАСИН


— Илм ва ҳунар ўрганиш инсон ҳаётининг беағзи ҳисобланади, — дейди психолог Наргиза Расулхужаева. — Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, воқеа-ҳодисаларнинг яхши-ёмон томонини тушуниш, одамларнинг қадр-қимматини билиш, оиланинг фаровон яшашини тўғри ташкил этиш, қисқаси, ҳар томонлама мукамал бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш зарур.

Боланинг қизиқишлари икки-уч ёшиданок ўзини намойён қила боради. Қизалоқлар кўнгилчорларига уқол қилади, ўғил болалар машина тузатади, кимдир доира чалади, рақсга тушади. Бу ота-она учун ўзига хос «сигнал» ҳисобланади. Шунинг учун ота-она фарзандларининг қизиқишларини ўз вақтида англаб, шунга асосан турли машғулотларга йўналтириши лозим. Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларга ўқитувчилар эътиборли бўлиб, қизиқишларини янада оширувчи турли ўйинлар, ўқув машғулотлари олиб боришса, бола ҳеч иккиланмай ўз йўлини танлай олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб ўқувчилари касб танлаш борасидаги ўз қарорларини кўпинча ҳар томонлама далиллар бера олмайдилар. Бироқ уларнинг кўпчилиги бу масалага онгли равишда ёндашишга интилади.

Касб танлаш ёшлар учун қатта ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муаммо бўлгани боис бу жараёнда ота-оналар, жамоатчилик ва турли касб эгалари ҳам фаол қатнашишлари керак. Чунки ёшлар кўп ҳолларда катталарнинг маслаҳат ва тавсияларини ҳисобга олиб, қатъий бир фикрга келишлари мумкин. Мактаб педагоглари ҳам ўқувчини қайси касбга кўпроқ мойиллиги борлиги, қайси касбни эгалласа муваффақиятга эришишини аниқлаши лозим. Бу жараёнда педагог махсус методлардан фойдаланиб, ўқувчилар билан алоҳида-алоҳида турли сўровлар, тест сновларни ўтказиши мумкин. Шундан сўнг натижаларга қараб ота-оналар билан маслаҳатлашса, аниқ муқаддас бўлади. Чунки бола ҳар доим ҳам оила аъзолари билан очик-ойдин гаплаша олмаслиги, ўз хоҳиш-истагини уларга билдирмаслиги мумкин. Ҳар икки томоннинг келишуви учун психолог ёрдами зарур бўлади.

Ҳаётда айрим ота-оналарнинг фарзандини «зўрлик билан» у хоҳлаган ўқув юртига қўйишга қиритиши ҳоллари кузатилади. Бола у ерда ўқиса ҳам яхши натижага эриша олмайди. Чунки унда хоҳиш ҳам, истак ҳам йўқ. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бола танлаётган касбига ота-оналар «авлодимизда бундай касб эгаси бўлмаган, ота-бобон қилган ишни қил», дея қаршилик қиладилар. Бу тўғри эмас. Замон ўзгариши, фан ва техниканинг ривожланиши, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлар янги касб-ҳунар эгаларини талаб қилади. Юрт келажаги ёшлар қўлида экан, уларни



ҳар томонлама муваффақият келтирувчи касб эгалари бўлиши учун кенг жамоатчилик ҳисса қўймоғи лозим. Эеро, бугунги бепарволик эртанги пушаймонликка олиб келиши мумкин.

#### «Журналист бўлишни истаманман»

Наргиза опанинг фикрларини оққа кўчираётган-у, яқинда курсдошлар билан бўлиб ўтган йиғинда содир бўлган воқеа эсимга тушди. Уч йил деганда биринчи марта учрашимиз эди. Қадрдон талабалик даврини эслаб узок суҳбат курдик. Кимнингдир эришган ютуқларидан қувондик, омади чопмаётганларга омад тиладик. Хуллас, суҳбатимиз мавзуси эгаллаган касбимиз ҳақида бўлди.

— Ҳозир бозордаман, бизнес билан шуғулланман, — деди ўзига анча зөб берган Дилдора деган курсдошим. — Кўриб турибсиз, ишларим аяло. «Пул бўлса, чангалда шўрва» экан. Чет давлатларга чиқиш товар олиб келаман, тўрт хонали уй сотиб олдим, — деди қўлидаги «Нексия» машинасининг қалитини ўйнайтиб.

Қолганлар унинг қимматбахо тақинчоқларига лол бўлиб қараб қолишди. Афтидан курсдошимиз ўзини «кўз-кўз» қилиш учун учрашувга келган эди.

— Тўрт йил ўқиганим, шунча меҳнатга ачинмадингми? — сўради йигитлардан бири.

— Сен ўз соҳаңда ишлаб қанча ойллик оласан? Сенинг бир ой ишлаб топган пулингни уч кунда топаман. Юрамани, қозоғга тикилиб. Статистикага кўра, энг кам умр кўрайдиганлар журналистлар экан. Қўй, урқ, ўзи ҳаётга бир марта келамиз, ўйнаб, қулиб яшайлик. Бировларнинг дардини ёзман деб, ўз соғлиғимни йўқотишни хоҳламайман. Қолаверса, мен журналист бўлишни истаманман эдим. Ўқийман учун қилганим сарф-ҳаражатларимни эса ортиги билан адамга қайтараяман...

Даврага сўкут чўкди...

#### «Орзуим катта спортда ўзимни синаб кўриш»

— Бу йил Чилонзор туманидаги 168-мактабнинг 9-синфини битирдим, — дейди Фаррух Саидов. — Футболга жуда қизиқман. Биласиз, ҳозир юртимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит муҳайё. Мен ҳам турли мусобақаларда иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритганман. Орзуим катта спортда ўзимни синаб кўриш эди... Аммо ота-онам бунга қаршилик қилишди. Улар иқтисодчи бўлишимни исташапти. «Келажакингни ўйла, спорт қийин соҳа» дейишди нуқул.

Ота-онамининг гапларини икки қилолмадим, ҳужжатларимни Иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейга топширдим. Мана, қўрасиз, бошқа соҳада ўқисам ҳам спортни ташлаб қўймайман. Мен келажақда нималарга қодирлигимни ота-онамга исботлаш учун машғулотларни давом эттираман.

#### Маслаҳат ўрнида...

Бугун минглаб ёшларимиз катта ҳаёт остонасида туришибди. Бу йўлда қўқилмай, ўз мақсадларига эришиб, келажақда қайсидир касбнинг етук мутахассиси бўлиш учун улар касбни тўғри танлай олишлари лозим. Улар-ку қарорни аллақачон қабул қилиб бўлишадир. Бунга уларнинг оила аъзолари қарши бўлишса-чи? У ҳолда ота-оналарга маслаҳатимиз бор. Сиз бу борада нотўғри қарор чиқарманг. Бугунку фарзандингиз билан суҳбатлашинг. Фарзандим нимани ўйлаётти, у нимага қизиқсади, келажақда ким бўлмоқчи, деган саволларни ўзингизга бериб кўринг. Шунда ҳаммаси осон бўлади. Фарзандингиз етук шахс, сиз эса пиру бадавлат ота ёки онага айланасиз...

Шоҳида ДАМАНОВА, журналист

Англиялик Стивен Ковин деган тарбиячи аудиторияда ажойиб бир машғулот ўтказди. У 5 литрли шаффоф идиш олдига муштдек келадиган бир неча тошни қўйиб, ўтирганлардан: «Нима деб ўйлайсизлар, шу тошлардан нечтаси бу идишга сизгаркан?» деб сўрайди. Турли фикрлар айтилган, идишга бир неча тошни солади. Унинг «Идиш тўлдими?» деган саволига ҳамма бир овоздан «Ҳа» деб жавоб қайтаради. Кейин у идишга сизқанча шағал тўқади. Шағал тезда тош ораларига жой бўлади. Стивен: «Энди-чи?» деб сўрайди. Бу сафар улар «Шубҳасиз» деб жавоб қайтаришади. У энди идишга бир челек қум ағдаради. Қум зарралари тезда тош ва шағал ораларига жойлашади. Стивен боля саволини такрорлайди. Улар «Бу сафар аниқ тўлди, энди унга ҳеч нарса солиб бўлмайди», дейишади. Шундан сўнг у идишга бир литр сувни ҳам қўяди. Сув ҳам идишдан жой олади. Стивен «Ҳўш, буларнинг ҳаммаси нимани билдиради?» деб сўрайди атрофдагилардан. Аудиторияда турли фикрлар айтилади. У эса ўз хулосасини: «Ҳаётда доимо бўшлиқ мавжуд, уни тўлдириш учун ишлаш керак бўлади. Бу тажрибанинг бошқа муҳим жиҳати ҳам борки, агар мен биринчи навбатда катта тошларни солмасам, идишда уларга жой қолмаган бўларди», деб баён этади.

## Вақтни бўшлиққа жойлаш санъати

Биз бу тажрибани бежиз эсламадик. Келажакка юксак ишонч билан интилган ҳар бир ёш ҳаётда, энг аввало, муҳим вазифаларини номуҳимларидан ажратиб билиши керак. Мактабда ўқиб юрган давримизда ҳар ойнинг охириги шанбасини синфдошлар билан интиқиб кутардик. Сабоби ўша кунни кўчма кино ё цирк томошалари намойиш этилар, мириқиб маданий ҳордик чиқарардик. Янги ҳафта бошланиши билан дархол мактабга шошилиб, кўрган кинони муҳокама қилардик. Раҳматли ўқитувчимиз Ойдин Қоплонов адабиёт фанининг бир дрсини кинога бағишлар эди. Бир сафар Гафур Ғулломнинг «Шум бола» асари асосида суратга олинган фильмини томоша қилиб, устозимизга унинг мазмунини ҳикоя қилиб берганимизда у киши: «Сизлар фақат кино томоша қилавермасдан, бадий асарларни ҳам ўқинглар. Чунки уларни ўқиган киши, аввало, вақтини бекор ўтказмайди. Қолаверса, ҳаётдан асар қаҳрамонларининг прототиپини ахтарида ва уларга ўхшаган интилади», деган эди.

Бу йигирма уч йил бурунги гап. Ҳозир-чи? Ҳозир ёшлар орасида «вақт» тушунчаси қандай аҳамият касб этмоқда? Улар бундай вақтларини асосан нималарга сарфламоқда?

Ҳозирги ёшларга яратилаётган имкониятларини кўриб ҳавасинг келади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида мухташам ўқув даргоҳлари, спорт иншоотларининг қад ростлагани ва уларда кўлаб ёшларнинг таҳсил олаётгани, ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш имкони борлиги уларнинг вақтдан «ўнумли» фойдаланаётганига яққол мисолдир. Езги таътил даврида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларини айтмайсизми?!

Ҳаётни севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт яралди, деган эди файласуфлардан бири. Дарҳақиқат, вақтнинг қиймати-ни ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, қийсаб ҳам бўлмайди. Аждодларимиз қолдирган улкан моддий ва маънавий мерос кишида «улар вақтдан ўзиб кетмаганимкан», деган фикрни тугдиради.

Юксак даражада тараққий этган ахборот технологиялари асрида баъзан вақт зиқлигидан

нолиймиз. Биздан беш-ўн аср илгари яшаган аждодларимизнинг шам ёруғида уддалаган оламшумул кашфиётлари, яратган бебаҳо санъат асарларини ўрганиш учун баъзан вақт тополмай оворамиз. Бироқ компьютер олдидан соатлаб вақтимизни беҳуда совиришга имкон топилади.

Яқинда маҳалламиздаги кўпқаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган интернет кафега кирдим. Эшик ёнида тўрт-беш бола навбат кутиб гурунглашар, ичкарида эса бир гуруҳ ўсмирлар компьютер ўйинлари билан машғул эди.

Мақтаб ёшидаги болаларнинг компьютер экранига соатлаб «михланиб» қолишлари уларнинг соғлиги учун қанчалик зарар бўлса, руҳий жиҳатдан ҳам шунчалик хавфлигини эндиликда ҳаммамиз биламиз. Аммо бугун уларнинг бўш вақтларини мазмунли сарф қилишларини ҳар бир ота-она ўз назоратига олиши ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланди.

Ҳар қадамда интернет-кафе. Шунга қарамай, айрим ота-оналар болаларига уйда ҳам интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиб берган. Тўғри, бундай имконият болалар ўзлари ахтарган маълумотларни ҳеч бир тўсиқсиз олишлари учун етарли, албатта. Бироқ назоратсиз қолган болакай «ўрғим-чак тўри»да хоҳлаганича сайр қилиши, ҳатто беҳаё лаҳзаларини ҳам кўриши эҳтимолдан ҳоли эмас. Албатта, маънавияти юксак фарзандлар қайси маълумотдан фойдаланиш лозимлигини ақл тарозусига солиб, ўзлари ҳал этадилар. Бунинг учун улар «онгида» маънавий бўшлиқ юзага келмаслигига эришиб, яъни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосидаги таълим-тарбия орқали фарзандларимиз онгида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Авалл ёдга олганимиз ўша тажриба оддий бир машғулот бўлса-да, лекин бола тарбияси бобида муҳим аҳамиятга эга. Фарзандларимиз вақтини шундай тақсимлайликки, токи уларнинг онгида «қум» ва «шағаллар»га ўрин қолмасин.

Толибжон НИЗОМОВ

Эсингиздами, Россия телевидениесининг машҳур журналист-бошловчиси В.Листьев отиб ўлдирилганида, мамлакатнинг ўша пайтдаги президенти Б.Ельцин телестудияга келиб таъзия изҳор қиларкан, ўз сўзида жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистоннинг самарали усулидан ибрат олиш ҳақида эслатган эди. Яқинда Россия телеканалларидан бирининг мамлакатда автомобиль ўғирлаш, олиб қочиш ниҳоятда кўпайиб кетганига бағишланган кўрсатувида ҳам «бу иллатнинг илдизига болта уриш учун Ўзбекистон тажрибасини қўлаш керак, у ерда одамлар машинасини қалити билан қолдириб кетишаверади, ҳеч ким тегмайди» деб таъкидланди.

Дарҳақиқат, ўшанда бундай жиноятларга барҳам бериш, ҳаётни тинч-осойишта тузганга солиш, олдидан аниқ кўриниб турган қиргинбарот ва қон тўкилишларнинг олдини олиш учун кенг идрок, зўр қатъият ва ўрни келганда қаттиққўллик билан иш юритиш талаб этиларди. Республика миқёсида иш бошлаганига икки йил ўтмасданок, хали марказнинг мустақкам чангалидан ҳеч бир иттифоқдош республика озод бўлмай туриб Ўзбекистонни мустақил мамлакат деб эълон қилишга журъати ва жасорати этган Юртбошимиз ташаббуси билан топшириги билан жиноят қонунчилигига қатор ўзгаришлар киритилди.

Кекса ва ўрта авлод вакиллари — биз ўзимиз кўриб гувоҳи бўлдикки, мамлакат мустақиллигига хавф солган у ербу ерда кетма-кет «содир этил-

ган» миллатлараро можароларни бостириш анча оғир кечди. Юртбошимиз кўшни давлат халқи билан рўй берган можарони босиқлик, мушоҳада, тинч йўл билан ҳал қилгани учун минтақада вазиятнинг мутлақо издан чиқариб юбориши эҳтимоли аниқ бўлган муаммо бартараф этилди. Фарғона, Кўқон, Бўка, Паркентдаги талотўллар ҳам шу тарика, баъзан Юртбошимнинг бевосита воқеа жойига бориб мулоқотга киришиши натижасида тинч йўл билан барҳам топди.

Иккинчи жаҳон урушида бир оёғини қолдириб келган, яқинда оламдан ўтган деҳқон отам телевизор кўриб ўтириб, мамлакатимизда ҳар соҳада амалга оширилаётган катта ва улғу ишлардан тўлқинланиб, Президент нутқини мароқ билан тинглаётиб такрорлаган бир гаплари ёдимдан чиқмайди: «Барака топсин шу Инсон, бу кишини қилган ишлари учун авлиёлар руҳи қўллаяпти, ўғлим!»

Отам бунда, албатта, аъзо авлиёларимиз — Имом Бахорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Фарғоний ва бошқалар хотирасига кўрсатилган иззат-икром, уларга қурилган сарой-ёдгорлик мажмуаларини назарда тутайтган эдилар.

Юқорида мамлакатимизда етиштирилаётган пахта масаласида, унинг халқимиз турмуш тарзида тутган аҳамияти ҳақида қисман фикр билдирди. Ҳақиқатан ҳам унинг дунё миқёсидаги ўрни беқиёс. Шундай манбадан ажраб, пировадиди, йил-йилки саноат корхоналари тўхтаб қолиш эҳтимоли юқори бўлган қизил им-



Мақсуд сурат давраларда, турли баҳоналар, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган амаллар билан мамлакат ичкарасида бечора, беғуноҳ одамларга қиргин уюштириш орқали бутун бир миллатни мушкулда сақлаб келган, ташқи хавф соҳибларнинг усталиридан бири бўлганлигини исбот қилувчи ашқ сифатида эълон қилинмоқда.

Бу ғуноҳ бандлар 1933 йилда «банд» деб йўқ қилинган.

перия кўл қовуштириб ўтиришни истамасди. Умуман олганда, босқинчиликнинг хийлаю ҳунарлари кўп.

Чор руссияси ҳам, шўролар ҳам муттасил юртнинг илгор-фикрли зиёлиларини яловлаш, халқнинг кўзини кўрқитиб, мушкулда сақлаш учун турли баҳоналар билан вақти-вақти билан халқларни қатагон қилиб турган. Унда, одатда, халқни хурлик-озодликка етаклашга онги-идроки етадиган зиёлилар

қамалган, сургун қилинган, қатл этилган. Хусусан, 1917-1924 йилларда, 1933-1938 йилларда, 1952 йилда ва ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрта-сида марказ томонидан Ўзбекистон, ўзбеклар учун бошланган қатагон ҳам илгаригилардан кам қулфат келтирмади. Москвадан юборилган Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳи «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» номи остида пахтакор онги-идроки етадиган зиёлилар

ни қамаш кампаниясини бошлаб юборди. Не машаққатлар билан етиштирилган 6 миллион тонна пахта қамлик қилган-дек, уни етиштириш сир-синоатларидан мулқо хабари бўлма-са-да, «Пахта иши» билан шуғулланиб, етиштирилган ҳосил «чўғи»ни ҳисоб-китоб қилишди. Оддий табелчи-қўшбандан тортиб бригадир, колхоз раиси, райком ва обком секретарига сохта айблов билан судланди. Нафақат ҳуқуқ, халқнинг ори таҳқирланди.

...Офат оловиға Ўзбекистоннинг ўзида сув сепилди. 1989 йилнинг ёзида республика бошқарувиға янги раҳбар Ислам Каримов келгач, дастлабки ишни бўрилар тўдасини келган жойларига қайтиб кетишга «руҳсат бериш» дан бошлади. Республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг йиғилишида Юртбошимиз «По хлопковом делем был вульгарный подход» деди ҳаммани лол қолдириб. Газеталар бунинг «сохта ёндашув» деб таржима қилишди. Аслида эса бу сўзининг луғавий маъноси кенгроқ — «қўпон», «зўравонларча», «сурбетларча» тушуналарининг йиғиндиси маъносини беради. Кейинчалик қамалган бир неча ўн минглаб одамларнинг жиноят иши қайтадан кўриб чиқилди, моддий манфаатдорлиги тасдиқланмаган инсонларни оқлаш, бошқаларга нисбатан «мажбурий чора» банди қўлланилиб, қамокдан озод этиш масаласи қўйилди. Йигирма мингдан ортиқ киши қамокдан чиқарилди, уч минг киши батамом оқланди.

Миллатнинг иззат-нафси, номус-ори топталишига йўл

қўйилмади. Тарихий воқеа — эл-юрт ҳимояси бобида улғу аждодларимизга монанд, Амир Темурга хос журъат қилинди. Қизил империя биринчи бўлиб Ўзбекистонда ана шу тахлит архивга улоқтирилди.

#### Бугун

Бугун Ўзбекистонни Мустақил давлат сифатида дунё яхши билади. Энди нима қилиш, қандай қилиш бировдан сўралмайди, руҳсат олинмайди. Юзлаб янги масжидлар барпо этилди. Диндорларга бағиром кўрсатилмоқда. Катагон этилган Наврўз тикландигина эмас, умумхалқ байрамига айланди. Унутилаёзган бошқа улғу ва қадриятлар қайта қарор топтирилди.

Бугун Амударёга кўприklar қурагимиз, тоғлардан темир йўл ўтказиб поездларни юргизаяпми, нефтни қайта ишлайдиган заводларни ишга тушираёгимиз. Галла мустақиллигига эришилди, ёнлиги қувватимиздан хорижий мамлакатлар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Мамлакатимиз кўча ва йўллари ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга тўла. Саноатсозлик ривожланмоқда.

Йигирма йил аввалги Ўзбекистон бошқа, бугунги Ўзбекистон бошқа: юпун кийинган, бўйини қисиб «катта ака»дан муруват қутиб, унинг кўзига мўлтираб қараб турадиган эрксиз-бечоралар киши ўтмида қолди. Савлати кўзни қувонтирадиган, кўзларидида ҳаммаша ақл-идрок шуъласи ва гурур-ифтихор нури чакнаб турган, «Мен Ўзбекман!» дея баралла ҳақон билан бўйлашаёт-


ган 20 ёшли йигит-қизларни кўриш насиб этганидан нафақат менинг, балки катта ва ўрта ёшли замондошларимизнинг қалби гурурга тўла.

Пойтахт Ташкентдаги кенг ва равон йўллар, мухташам сарой-сифат ўнлаб-юзлаб иншоотлар, шаҳар ва қишлоқлардаги қасрмонанд коллеж ва лицейлар — булар бари Мустақиллик шарофати, фаровонлик иншоотларидир! Буларни ҳаёлан кўз олдимга келтирар эканман, беихтиёр бир воқеа ёдимга тушди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари Сабон кўчасида яшайдиган ҳамкасб дўстимнинг ўғли армиядан келганида йўқлаб боришга тўғри келди. Унинг уйига охириги марта икки ойгина илгари борганим. Энди у уйни роса изладим. Сабони — эски шаҳарнинг бу кўчаси икки-уч ойда қайта қурилиб, таниқ бўлмайдиган даражада янги-ланган эди. Ва, мана йигирма йилдирки, бутун мамлакат ўша суръатда янгиладан бунёд этилди, бунёд этилмоқда.

Ушбу мақолада мамлакатимиздаги бунёдкорлик ҳақида бирма-бир, батафсил ҳаяжонли сатрларни қозоғга туширишни режаланган эдим. Бироқ юқоридида кенгаги тарихнинг қора ва хира лаҳзаларидан кейин ёрқин ва гўзал манзараларни бунга қўйиш хайфдек туюлди. Зотан, Мустақиллик манзаралари алоҳида, том-том асарларга муносиб ҳодиса!

Йигит ёшинг муборак, Мустақиллик! Умринг боқий, ҳаётинг гўзал бўлсин, ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, журналист



Moody's Investors Service

2011 йил 18 июлда

«Moody's Investors Service»  
Халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнинг  
рейтингларини тасдиқлади

Рейтинглар прогнози:  
«Барқарор»

-банкнинг молиявий барқарорлиги (BFSR) рейтинги **E+**  
-миллий валютадаги депозитлар рейтинги **Ba3**  
-хорижий валютадаги депозитлар рейтинги **B2**

## МДХНИНГ БИР ҚАТОР ДАВЛАТЛАРИГА АРЗОН НАРХДА ҚЎНҒИРОҚЛАР

«Яқин мамлакатлар» хизмати

МДХ мамлакатларига қўнғироқлар\* **\$0,25** (1 дақиқа учун)

Уланиш учун +111-0291# © USSD-сўров юборинг

\*Изоҳлар:  
• Активациянинг нархи — \$0,05  
• Абонент пулини — \$0,02 ичига (off-line нархдаги тўлими учун ойига \$0,60)  
• Хизматдан берадиган тарифли абонентлар фондациялари мулкчи (RED Basic, RED Night ва RED Light абонентларидан ташқари)  
• Хизматлар лицензияланган

**МТС** бир қадам олдинда



мур шатранж ўйнашни яхши кўрган. Ҳатто унга қаноат қилмай бу ўйиннинг мураккаб турини ўйлаб топди ва унга «Шатранж комил» ёки «Шатранж ал-кабир» деб ном берди.

Бир куни Амир Темура ана шу 112 катакли тахтада мулозимлари билан донна суриб ўтирганида чопарлар унга иккита қувончли хабарни келтиришади. Биринчиси, ўғил фарзанд кўргани, иккинчиси эса Сайхун буйида курдираётган шахари битгани ҳақида эди. Хукмдор бу икки хушxabарни рақибига эндигина рух билан шох берган пайти эшитгани боис ўғлига Шохрух, шахарга эса Шохрухия деб ном берди.

### 20 июль — Халқаро шахмат куни



лади. «Ҳа, ўша 32 ўйиннинг 2 тасини шахмат тахтасига қарамай ўйнаганим, улардан бирида мағлубиятга учраганим ҳам рост. Нахотки, 10 йил олдин Н7 хонасида рухни қурбон бериб, мени чув туширган болакай сиз бўласиз?» дейди у ҳайрат билан.

Турли тадбирлар ва шоу учрашувларни ёқтира диган машҳур шахматчилардан бирини бошқа мамлакатга сеанс ўтказиш учун таклиф қилишибди. У биратўла 15-20 киши билан шахмат ўйнагач, тадбир сўнгида шахмат мухлислари билан суратга

ҳам тушади. Кейин яна ўз мамлакатига қайтиб кетади.

Эртаси куни мусобақа ташкилотчилари сураткаш кўтариб келган суратга қарасалар, ҳамма бору, негадир жаҳон чемпиони кўринмасмиш.

— Суратда яна бир киши бўлиши керак, эди. Қани у? — десалар, сураткаш ҳам бўш келмай: «Уша олдинда ўтирган семиз ва бесўнақай одамни айтияпсизларми, расм сифатли ва чиройли чиқиши учун уни олиб ташладим», — деб жавоб берибди.

Гўзал АҲМАДАЛИЕВА тайёрлади

## 64 КАТАККА ЖО БЎЛГАН ҲАЁТ

Шахмат бўйича бир неча қарра жаҳон чемпиони Макс Эйве поездда кетганда нотаниш ҳамроҳи унга вақтни мазмунли ўтказиш учун йўл-йўлақай шахмат ўйнаб кетишни таклиф қилади. То манзилга етгунича 5 партия ўйнашган бўлса-да, нуқул ютқазаверганидан жигибийрон бўлган шериги, охири шахмат тахтасини бир четга улоқтириб ўзига-ўзи дейди:

— Жин урсин, ишхонада мени ташкилотимизнинг Эйвеси деб макташарди. Нақ беш марта чемпион бўлганман. Келиб-келиб битта кўчадаги аллақандай одамга ютқизиб турсам-а?! Танишлар эшитиб қолса, роса устимдан кулиши керак.

қади. Маълумки «flog» сўзи инглизчада «қават» деган маънони англатади. Лифтга бирга чиқиб қолган ҳамроҳи ундан одатга кўра «Нечанчи қаватга? (flog)» деб сўрайди. Халиям голиблик нашидасидан сармаст гроссмейстер гап мусобақа ҳақида кетаяпти, деб ўйлаб, мактанганнамо: «Албатта, биринчи» деб жавоб беради.

Буни «биринчи қаватга» деб тушулган ҳамроҳи лифт тугмасини босолмай анграйиб қолади.

Халқимиз орасида ҳам шахмат ҳақида кўп қўлаб ривоятнамо гаплар юради. Масалан, қадимда икки дўст бўлиб, иккаласи ҳам шахмат ўйнашга мукасидадан кетган экан. Ҳатто улардан бири изгирин қиш кунларида 30 чакрим наридан от билан шеригини

кади келиб шахмат ўйнаб кетиши қанда қилмаскан.

Бир куни улар ярим тунгача шахмат ўйнаб ҳам бир-бирини енга олмабди. Ўйинни эртаси кун давом эттиришга келишиб олишган, шериги ярим тунда отига миниб, уйга қайтибди. Хаёлидан тугалланмай қолган ўйин ҳеч кетмасмиш. Энди уйига етай деб қолганда, отини қурбон қилиб, дўстини мот қилиши мумкинлиги хаёлига келиб қолибди. Голиблик лаззатидан сармаст бўлиб, уйга ҳам кириб ўтирмай, яна дўстиникига қайтиб борибди. Тонг қоронғусида жижолатомуз эшикни тақиллатса, дўстиям ухламаган эканми, «Қайтиб кетавер, барибир отингни олмайман», деган экан.

уаррихларнинг ёзишича, харб илмида тенгсиз саркарда Соҳибқирон Амир Те-

Англияда ўтган мусобақа тугагач, гроссмейстер Флор мейхонхонадаги лифтга чи-

**ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ ОАЖ** 1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИҒИ!  
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48  
Сайт: www.pochta.uz. E-mail: oao@post.uz

**HURRIYAT**  
MUSTAQIL QAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

9 772010 752002

Бош муҳаррир **Ўқтам МИРЗАЁРОВ**

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзили: **hurriyat@doda.uz**

Тахририятга келган хатларга Ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11

Андижон — 8-374-250-90-39

Бухоро — 8-365-592-85-02

Самарқанд — 8-366-233-62-12

Сурхондарё — 8-376-396-30-59

Фарғона — 8-373-215-80-58

Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Иномжон АБДИЕВ**

Топшириш вақти — 21<sup>00</sup>

Топширилди — 23<sup>40</sup>

® — тижорат белгиси.

Адади: 5948 Буюртма — Г-755 123 5